

39
(1461)-son
16-oktabr
2020

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSAN SEN

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

**БИР ҚАРИЧИ ҲАМ
БЕМАҚСАД ҚУРИЛМАГАН**
Сардобадаги
янги уйлар ҳақида **2-бет**

ТАЙНЛОВ
Тошкент ахборот
технологиялари университети
ректори ўзгарди **3-бет**

УЧЕБА
Вторая волна конкурса для
активных участников One
Million Uzbek Coders! **6-бет**

ИНТЕРВЮ
Буйраги хаста беморларга
COVID-19 қанчалик хавфли
8-9-бетлар

МУЛОҲАЗА
Ишлаган одам тишлайди(ми?)
ёҳуд боқимандаликни насб
қилиб олган айрим ёшлар
ҳақида **10-бет**

**СЕРДАРОМАД НАСБ
ЭГАСИ БЎЛМОҚЧИМИСIZ?**
Дастурлашни ўргатадиган
бепул ва арзон курслар **11-бет**

АЛОҚА ОЛАМИДА
Telegram.org сайти ўзбек
тилида ишлай бошлади **12-бет**

ДАСТУРЧИЛАР ҚАНЧА МАОШ ОЛИШАДИ?

(Айрим топ-компания-
ларида дастурчилар-
нинг ўртача йиллик
даромади)

1. Ebay — \$150 минг
2. Twitter — \$140-150 минг
3. Facebook — \$130-150 минг
4. Apple — \$120-150 минг
5. Google — \$120 минг
6. Яндекс — \$40-55 минг
7. Касперский лабораторияси — \$45 минг
8. Alibaba — \$32-35 минг



Манба: VisaSam.ru



ИНСОН УСИЗ ЯШОЛМАЙДИ, ҲАТТО МАВЖУДЛИГИНИ ЙЎҚОТАДИ

Ҳар бир миллат ўз ўтмишини англаш орқали эртанги кунига пойдевор қўйса, қўрғони мустаҳкам ва ишончли бўлади. Шундай экан, халқнинг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналари ривожини йўлида тўпланган маънавий қадриятлар замонавий жамятнинг асосини ташкил қилиши керак.

Тил ҳам ана шундай муҳим ҳодисадир. Инсон усиз яшолмайди, ҳатто мавжудлигини йўқотади. Ҳар бир тил – мисоли бир олам. У нафақат ўрганиш учун мавзу, балки бир элнинг тирик руҳи, хотираси, бебаҳо бойлиги ҳамдир.

4-5

➔ ТИЛ ТЎСИҚ БЎЛМАЙДИ

One Million Uzbek Coders ўзбек тилида ҳам мавжуд!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, IT-Парк ва IT-Академия томонидан Dubai Future Foundation билан ҳамкорликда Udacity курслари асосида "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Қайд этиш лозимки, ўзбек тили ушбу платформанинг ажралмас қисмига айланган. Uzbekcoders.uz платформи курслари ўзбек тилида юритилади.

One Million Uzbek Coders лойиҳаси тўртта йўналишни ўз ичига олади Android (Google билан ҳамкорликда),

Front-end development, Full-stack development ва маълумотларни таҳлил қилиш. Ҳар бир трек асосий 120 соатлик ёки 12 ҳафталик курсдан бошланади ва ўрганишни бошлаш учун махсус билим талаб қилмайди. Билишингиз керак бўлгани — ўзбек ёки инглиз тили.

Бундан ташқари, One Million Uzbek Coders миллий лойиҳаси доирасида фаол иштирокчилар ўртасида танлов ташкил этилди. Танловда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидан 12 мингдан зиёд киши иштирок этди. Виртуал жамоа <https://community.uzbekcoders.uz> сайтида 3 000 дан ортиқ муаллифлик мақолаларини ўзбек тилида нашр этди.

Айни пайтда uzbekcoders.uz портали-



да 69 003 нафар талаба рўйхатга олинган. Шундан 5 810 нафари иккинчи босқичдан ўтди ва курсларни муваффақиятли якунлаганлик тўғрисида сертификат билан тақдирланди. Бу рақамлар ҳар куни ўсиб бормоқда ва шунинг таъкидлаш лозимки, ўзбек тилисиз дастурлашни ўргатувчи платформага одамларни бу даражада жалб қилиш қийин бўлар эди.

2 ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan
Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 октябр куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисини 11 октябр куни бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табриклаб, унга биродар тожик халқи фаровонлиги ва равнақи йўлидаги фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябр куни интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириб, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш, ҳар бир идора ва тармоққа илмий ютуқларни олиб кириш масалалари муҳокама қилинди. Адлия вазирлиги ва Интеллектуал мулк агентлигига барча идоралар ва ҳудудлар, олий ўқув юрталари, илмий тадқиқот муассасалари билан кенг муҳокама қилиб, соҳани ривожлантиришга қаратилган уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

14 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси ҳамда Корея Республикаси билан ҳамкорликдаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар лойиҳалар ижросини танқидий кўриб чиқиш, янги ўсиш нуқталарини белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари экспортнинг аҳамиятини ханузгача чуқур тушуниб етмаётгани, уларнинг бу борадаги иш услуби бугунги кун талабига мутлақо жавоб бераётгани кўрсатиб ўтилди.

Хоразм вилояти ҳокимлигининг "Кенгашлар уйи"да Туркия давлатининг ишбилармон доира вакиллари билан иборат делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Туркия компаниялари ва маҳаллий тадбиркорлар ўртасида вилоятда замонавий иссиқхона ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, кўчат етиштиришни ташкил қилиш ва замонавий лаборатория қуриш, тураржойлар бунёд этиш бўйича лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш масаласи муҳокама қилинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиш, "Усимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлар эълон қилинди.



БИР ҚАРИЧИ ҲАМ БЕМАҚСАД ҚУРИЛМАГАН Сардобадаги янги уйлар ҳақида

Тунов куни эди, Жиззах томонларга йўлим тушиб қолди. Бахтдан Оқолтинга олиб борадиган йўлнинг адоғига етай деганда кўринган манзарага чалғиб қолибман, ён-атрофдаги машиналарнинг сигналидан ўзимга келдим. Ҳа, теп-текис жойда бирдан шаҳар пайдо бўлиб қолса ҳамки, йўлдан чалғиш яхши эмас.

Манзара эса ҳақиқатан ҳам ўзига тортадиган эди. Бунақасини Тошкентда кўравериб ўрғаниб кетгандирсиз, аммо даладашда, бўлиб ҳам чўлнинг ўртасида кўриш, бошқача бўларкан.

Яқиндагина сув балосини ўтказган, лой, балчиққа айланган жойларда мини-шаҳар барпо этишибди. Беш ойнинг нари-берисиди.

Сардоба фожиасини ҳамма турлича эслайди. "Қушнинг ҳам ини бузилмасин" — бу гапни бизга кўп қаватли уйлардан иборат "Янги Ўзбекистон" маҳалласи раиси Бахтиёр Холқўзиев айтди. Сирдарё вилоятининг учта тумани — Мирзаобод, Оқолтин ва Сардоба аҳли бу гапнинг маънисини ўз танасида синаб кўришди. Қушга ҳам раво кўрилмаган бало уларнинг бошига тушди — уйи бузилди.

Ҳилола Баҳодирова ҳам ўша куни сарсон бўлганлардан бири. Ҳозир у ўзлари учун қурилган янги маҳаллада кутубхоначи бўлиб ишлаяпти. Журналистлар унга савол беришди — шунча нарсани бошингиздан ўтказибсиз, нима ёдингизда қолди? Шунақаси бўлади-ку, тўғрими, инсон ҳаётинда қандайдир ҳодиса рўй беради, аммо нимадир биринчи бўлиб ёдга тушаверади. Ўша нима?

— Одамларнинг оқибати! — деди Ҳилола. У бу гапларни чиройли табассум билан айтди. — Шу кунгача оқибат йўқлиб кетди, деган гап кўп айтиларди. Ўзимизнинг бошимизга иш тушиб кўрдикки, оқибат ҳеч қаерга кетмабди. Ҳа, оқибатимиз йўқолмасин...

Сардобаликларга бутун мамлакат ёрдам берди. Давлат томонидан эса уйлари тўлиқ таъмирлаб, жиҳозлаб берилди. Хонадонни батамом бузилиб кетганларга эса янгиси қуриб берилмоқда. Ўша, катта йўлдан ўтган борки, ҳамманинг диққатини тортадиган уйлар ҳам сув тошқинидан азият чекканларга аталган.

Қурувчиларнинг маълумот беришича, Мирзаобод тумани, "Янги Ўзбекистон" маҳалласида қад кўтарган уйларнинг Тошкент ситида қурилаётганидан мутлақо фарқи йўқ, Уй лойиҳаси маҳаллий аҳоли билан обдон муҳокама қилинган. "Хонадоннинг бир қаричи ҳам бемақсад қурилмади. Иситиш, ҳавони алмаштириш, табиий газ, электр, ичимлик суви, канализация — барчаси инobatга олинган. Уйлар ёзда салқин, қишда иссиқ бўлиши учун 7 сантиметрли муҳофаза қатлами билан қопланган", — дейди қурилиш ишларини олиб борган ташкилот раҳбари Исроил Исмоилов.

Шу ўринда савол пайдо бўлиши табиий: кўп қаватли уйлар тўрт-беш ойда қуриб битирилди. Унинг мустаҳкамлиги қай даражада?

— Бу бўйича ҳам муаммо йўқ, — дея жавоб берди мутахассис. — Уй қурилишида Тошкент ситида қурилаётгани каби ернинг зичлигини оширадиган технологиядан фойдаланилган. Ҳар бир уй пойдеворининг тагида бетон қозықлар бор. Бу уйлар ҳар қандай тошқин ва 9 балли зилзилага бардош бериши кўзда тутилган. Сифат эса туркиялик мутахассислар томонидан текширилган.

Янги Ўзбекистон маҳалласида одамлар учун керак бўлган ҳамма нарса бор — болалар боғчаси, сартарошхона, новвойхона, кутубхона. 13 октябр куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Сирдарёга ташриф буюрди ва янги уйларни кўздан кечириб, сув тошқинидан жабр кўрганлар билан учрашди. Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида вилоят аҳли билан шундай ободликда, ёруғ юз билан қуришиб турганидан хурсандлигини билдирди.

— Охириги беш ойда ҳаммамиз синовдан ўтдик. Ҳамжихат бўлиб, матонат, меҳнат билан шароитни тикладик, янги уйлар, йўллар қурилди. Бугун бу ишларни кўриб, албатта хурсанд бўлдим. Лекин менга энг катта куч, қувонч берган нарса одамларнинг кайфияти бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.


Энди янги уйлар қандай тақсимланади? Шу вақтга қадар бу масала кўп кўтарилди. Маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Холқўзиевнинг айтишича, ҳаммаси Халқ депутатлари кенгашида ҳал қилинади. Янги уйларни олишга номзодларнинг барчаси кўриб чиқилади ва ҳақиқатан муҳтож бўлганларга берилади. Шунингдек, бузилиб кетган уйлари кадастрини тайёрлашга улгурмаганлар ва бошқалар ҳам кенгашда кўриб чиқилади. "Ҳаммаси имкон қадар ижобий ҳал қилинади", — деди оқсоқол.

Биз кўрган уйларда яшаш учун лозим бўлган ҳамма нарса бор. Унга фақат бир жиҳат етишмаяпти — одамлар. Ҳар қандай жой одамлар билан гўзал.

Насиб қилса ақин вақтларда уй тўйларини кўриш учун Сардобага қайтамиз...

Зафар ҚОСИМОВ,
"Xabar" мухбири

АКТ МАКТАБНИНГ ОНЛАЙН ТЕСТ ИМТИҲОНЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



2020 йил 5-9 октябр кунлари Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабга 2020/2021 ўқув йили учун 5-9 синфларга ўқувчилар қабул қилиш учун 2-босқич онлайн тест имтиҳонлари ўтказилди.

Эълон қилинган иккинчи босқич онлайн тест имтиҳонлари натижалари билан батафсил куйидаги ҳавола орқали — <https://ictschool.uz/qabul-natija/> ёки мактабнинг www.ictschool.uz расмий веб-сайти орқали танишиб чиқишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Вазирлар Маъ-

камаси ҳузурдаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги 10 сентябрдан 20 сентябрга қадар Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабга 2020/2021 ўқув йили учун 5-9 синфларга ўқувчиларнинг ҳужжатлари мактабнинг www.ictschool.uz расмий веб-сайти орқали фақат онлайн қабул қилинган.

2020 йил 25-29 сентябр кунлари Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабга 2020/2021 ўқув йилига 5-9 синфларга ўқувчилар қабул қилиш учун онлайн имтиҳон жараёнининг 1-босқичи ўтказилди ва 2 октябр куни эълон қилинди.

Биринчи босқич имтиҳонлардан муваф-

фақиятли ўтган ўқувчилар жорий йилнинг 5-9 октябр кунлари иккинчи босқичда ZOOM дастури орқали онлайн суҳбатда иштирок этдилар. 5-синф ўқувчилари учун онлайн суҳбат 5-6 октябр куни, 6-синф ўқувчилари учун – 7 октябр куни, 7-синф ўқувчилари учун – 8 октябр куни, ва 8-9-синф ўқувчилари учун – 9 октябр куни ташкил этилди. Иккинчи босқич имтиҳонидан инглиз тили фанидан 1та мавзу бўйича ўқиш, таржима қилиш ва суҳбатлашиш маҳорати синовдан ўтказилди, математика ва физика фанларидан эса 2тадан мисол берилди.

Имтиҳон жараёнига малакали мутахассислар — Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети, Тошкент шаҳридаги Амти университети ва Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчи мутахассислари жалб қилинди.

ТАЙИНЛОВЛАР

САРВАР БОБОҲЎЖАЕВ ТАТУ РЕКТОРИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси ҳузурдаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори лавозимида фаолият юритган Сарвар Нажимович Бобоҳўжаев ТАТУ ректори лавозимига тайинланди.

Шу вақтга қадар ТАТУ ректори лавозимида фаолият юритиб келаётган Тўлқин Закирович Тешабаев Тошкент молия институтининг ректори этиб тайинланган.



ҲИЛОЛА УМАРОВА ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИГА РАҲБАР ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигига Ҳилола Умарова раҳбар этиб тайинланди.

Ҳилола Умарова бунга қадар Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган АКТ-мактабнинг директори лавозимида ишлаб келаётган эди.




УЧИНЧИ ТАШАБУС

КЕГЕЙЛИ ТУМАНИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 2019 йилда Нукус шаҳри, Мўйноқ, Беруний ва Қонлиқўл, 2020 йили Эллиққалъа, Амударё туманларида рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди.

Жорий йилнинг 10 октябр куни Кегейли туманида ҳам рақамли технологиялар ўқув маркази очилди. Ушбу марказга туманда жойлашган барча мактабларда 5-11 синфларда таълим олаётган 9 000 дан ортиқ ўқувчиларни, шунингдек, уюлмаган ёшларни ҳамда корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ходимларнинг АКТ соҳасидаги билим савиясини ошириш режалаштирилмоқда.

Кегейли тумани рақамли технологиялар ўқув марказига вазирлик томонидан ўқув курсларини ташкил этиш учун ўқув хонасига 11та, киберспорт хонасига 5та, робототехника хонасига 3та компьютер техникалари ўрнатилиб, интернет тармоғига уланган.



ОНЛАЙН ХИЗМАТ

ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИНИ ОНЛАЙН КУЗАТИШ МУМКИН БЎЛАДИ

Хукумат қарори (637-сон, 09.10.2020 й.) билан Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизими тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан куйидаги почта жўнатмалари Ягона миллий тизим орқали йўлланади:

- юридик ва жисмоний шахслар номига юборилувчи хат-хабарлар, шу жумладан, улар томонидан йўлланган муносабатларга ёзилган жавоб хатлари;
- тўлов хабарномалари ва билдиришномалар;
- чақирув қоғозлари, суд хабарномалари ва процессуал ҳужжатлар;
- давлат хизматларини кўрсатишнинг натижалари;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жаримага тортиш тўғрисидаги қарорлар.


Ягона миллий тизим орқали почта жўнатмаларини етказиб бериш билан

боғлиқ хизматлар шартнома асосида амалга оширилади.

Ҳар бир почта жўнатмаси тўғрисидаги маълумот Ягона миллий тизимдан онлайн кузатиб борилиши мумкин.

Ягона миллий тизимга электрон тарзда тушган почта жўнатмалари автоматик равишда тегишли манзиллар бўйича почта алоқаси боғламаларига тарқатилади.

Тегишли почта алоқаси боғламаларига электрон шаклда тушган почта жўнатмалари қоғоз кўринишида чоп этилиб, манзиллар бўйича жўнатилади.



Қоғоз кўринишида чоп этилган почта жўнатмаларини қабул қилувчига етказиб беришнинг имконияти бўлмаганда жўнатма 6 ой давомида сақланади.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Ягона миллий тизим оператори ҳисобланади.

Ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятли бўлмаган хат-хабарларни етказиб бериш жараёни босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказилади.



«1»

ИНСОН УСИЗ ҲАТТО МАВЖУДЛИГИНИ

Бугун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг маслаҳатчиси Нурулла Абдуллаев билан давлат сиёсати даражасига кўтарилган ўзбек тили мавқеи мавзусида суҳбатлашдик.

– Сизнингча, Ўзбекистон тараққиёти учун ўз она тилимизни билиш қанчалик муҳим?

– Агар қарши бўлмасангиз, суҳбат аввалида бутун Ўзбекистон халқини, жумладан, дунёнинг турли давлатларида ўзбек тилида сўзлашувчиларни 21 октябр – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун, яъни Ўзбек тили байрами билан муборакбод этсам.

Хабарингиз бор, 2020 йил 23 сентябрда ўзбек халқи унутилмас куннинг гувоҳи бўлишди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлади. Она тилимизнинг қадр топишини истаган, бу йўлда ҳаракат қилган, керак бўлса, жонини фидо этган ота-боболаримиз армони бизнинг давримизга келиб ушалди. Бу – жуда катта инъом.

Ҳозир аксарият ота-оналар фарзандининг инглиз тилини билишини истади. Гарчи инглиз тили дунёдаги қатор мамлакатларда ишлатилса-да, айнан шу сабаб у энг кўп қўлланиладиган тил деган хулосага бориш нотўғри. Агар дунё тиллари рўйхатига қаралса, инглиз тилининг 2-ўринда эканини кўраемиз. Аҳолиси сони жиҳатдан дунёда биринчи ўринда турувчи Хитой эса рўйхат бошида турибди. Ундан кейинги ўринларни инглиз, испан, ҳинд, араб, рус, малай, бенгал, португал ва француз тиллари эгаллаган.

Хўш, бу гапларнинг тараққиётга нима алоқаси бор дерсиз? Бор, албатта. Чунки эътибор қаратсангиз, айнан мана шу тилларда сўзлашувчи давлатлар бошқаларга қараганда ривожланган.

Шу ўринда саволингиздан яна бир ишорани тушунгандекман. Республикада фаолият юритувчи вазирлик ва идораларда ишни давлат тилида ташкил қилиш шарт эканлиги тўғрисида фикрлар янраганда бунга қарши чиққанлар кўп бўлди. Нима эмиш, фақат давлат тилида иш юритилса, ривожланиш бўлмасмиш. Яъни, ўзбек тилининг ўзи билан ривожланган давлатлар қаторига қўшилмас эканмиш. Эҳтимол, бир жиҳатдан бу фикрлар ҳам тўғридир. Бироқ давлат тилида иш юритишни талаб қилиш билан бирга, ҳеч ким бошқа хорижий тилни ўрганишни чеклаб қўйгани йўқ.

Масалан, Германияда масъул идорага немис тилидан бошқа тилда мурожаат қилинса, дарҳол унинг немис тилига таржимасини талаб қилади, ҳатто бошқа тилда келиб тушган мурожаатлар кўриб чиқилмас экан. Хўш, бу билан Германия қолақ мамлакатга айланиб қолдимиз?..

Туркияда эса барча ёзишмалар, ҳисоб-китоблар ҳеч бир истисносиз турк тилида олиб борилиши билан бирга юридик шахслар ўртасида тузилган шартномалар турк тилида бўлмаса, бекор ҳам қилинади.

Россияда мулкчилик шакли-

дан қатъи назар, ўз худудидида фаолият юритувчи ҳар қандай ташкилот давлат тили (рус тили)да иш юритиши, ташкилотни номлашда ҳам давлат тилидан фойдаланиши белгилаб қўйилган. Грузияда давлат корхоналари ва ташкилотларида фақат грузин тилида иш юритилади, зарурат туғилса, ҳужжатлар бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин, аммо улар расмий ҳисобланмас экан.

Бизда-чи? Бизда нафақат Ўзбекистон Республикаси худудидида яшовчи фуқаро, ҳатто хорижий меҳмон ҳам бемалол давлат ташкилотига ўз она тилида мурожаат қилиши, устига-устак ушбу ташкилотдан ўз тилида жавоб олиши кафолатланган. Мурожаатнинг ўзбек тилидаги таржимаси талаб қилинмайди ёки давлат тилида бўлмаса-да кўриб чиқилмасдан қолмайди.

Она тилини билишнинг тараққиётга қанчалик таъсир қилишини шунга ўхшаш мисолларда кўриш мумкин.

– Нима деб ўйлайсиз, бугунги замонавий технология ва ахборот асрида ҳаммининг саводли бўлиши шартмикан?

– Бир сўз билан айтганда шарт! Чунки саводсиз одам замонавий технологиядан фойдалана олмайди, тарқатилаётган ахборотни ҳам ўрганолмайди. Агар саводли бўлиш деганда китоб ёки газета ўқишни назарда тутаетган бўлсангиз, бунга ҳам жавобим бор.

Тўғри, ҳозир ахборот-коммуникация технологиялари жуда ҳам ривожланиб кетди. Натижада чоп этилаётган китоблар ва матбуот нашрларига эҳтиёж йўқдек туюлди. Ҳатто; биз уларни веб-сайтларга, турли гаджет-

лар, мобил иловаларга алмаштириш пайига тушди. Менинг фикримча, технологиялар ҳар қанча ривожланмасин, қўлингизга китоб олиб ўқиш, ҳар тонгда ёки кун давомида ишдан бўш пайтда газета мутлола қилишнинг завқи ўзгача.

Бугун facebook, telegram, instagram каби ижтимоий тармоқлар ёшлар ўртасидаги мулоқот майдонига айланиб қолди. Аммо ундаги ёзишмаларга бир эътибор қаратинг-а, ҳарфлар ўрнига қанақадир белгилардан фойдаланишди. Бу ёш авлодларимиз таълимига салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Шахсан ўзим ҳам техникадан фаол фойдаланаман, лекин тўғри ёзиш учун ўзбек тилидаги клавиатурани юклаб олганман.

– Бугун ўзбек тилининг мавқеини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга муносабатингиз.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрда қабул қилинган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу йўлдаги катта қадамлардан бири бўлди, десак адашмаймиз.

Бунинг ортидан барча давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди ва улар томонидан вазирлигу идораларда давлат тили қоидаларига риоя қилган ҳолда иш юритиш ташкиллаштирилмоқда.

Кейинги қадам 2020 йил 10

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING 2019 ЙИЛ 21 ОКТАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН “ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ БУ ЙЎЛДАГИ КАТТА ҚАДАМЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ, ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ.



O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Davlat Tilini Rivojlantirish Departamenti

Izlash...



Bog'lanish

Kirish

Ro'yatdan o'tish

UZ

O'zbek tilini o'rgatuvchi onlayn platforma

"Dunyodagi qadimiy va boy tillardan biri bo'lgan o'zbek tili xalqimiz uchun milliy o'zligimiz va mustaqil davlatчилигимiz timsoli, bebaho ma'naviy boylik, buyuk qadriyatdir."

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev

Bepul qo'shiling

ЯШОЛМАЙДИ, ЙЎҚОТАДИ

апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши бўлди. Энди 21 октябр кенг миқёсда Ўзбек тили байрами кунини сифатида нишонланади. Ҳечдан кўра кеч деганларидек, она тилимизни байрам қиладиган кунга ҳам етиб келдик. Зеро, бу жараён Жанубий Кореяда – 1945, Финляндияда – 1980, Молдавияда – 1989, Эстонияда – 1996, Украинада – 1997, Қирғизистон ва Қозоғистонда – 1998, Озарбайжонда – 2001, Осетияда – 2003, Хитой, Франция, Англия, Испанияда – 2010, Россияда 2011 йилдан бери нишонлаб келинади.

Ўйлашимча, ҳаммамиз илк марта нишонланадиган бу кунга қандай тайёргарлик олиб борилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси таркибида Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Атамалар комиссияси, Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси фаолияти йўлга қўйилди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетидеги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда республика ҳудудларида марказнинг 13та бўлими иш бошлаши ҳам аҳамиятга молиқ масала бўлди. Барча олий ўқув юрларида “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедралари ташкил этилди.

– Айнан сиз фаолият юритаётган вазирликда ишлар қандай йўлга қўйилмоқда?

– Бир нарса алоҳида таъкидлашим керакки, бизда бу жараён шахсан раҳбар назоратиде.

Давлат тилига доир қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунириш, тарғиб қилиш, тизимдаги ташкилот ва муассасаларда ходимларга давлат тилини чуқур ўрганишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида тизимдаги 19та корхона ва ташкилотда давлат тилида иш юритиш жараёнларини мувофиқлаштириб борувчи 24 нафар масъул тайинланди.

Вазирликда, жумладан, тизимдаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасалардаги фаолият давлат тилида ташкил этилган. Ходимларнинг лавозим йўриқномалари, чора-тадбирлар, “йўл харита”ларининг барчаси давлат тилида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ўзаро ҳужжатлар алмашишуви, бошқа ташкилотларга юбориладиган хатлар,

турли эксперт комиссиялари баёнлари каби ҳужжатларнинг давлат тилида тайёрланиши йўлга қўйилган.

Биноларнинг кириш қисми, хоналар пештахталари ҳам Ўзбек тилида тайёрланган. Рус тилида қабул қилинган баъзи ҳужжатларни давлат тилига ўгириш ҳамда қабул қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Вазирлик девонхонаси томонидан ташкилотдан фақат давлат тилидаги ҳужжатларнинг чиқиши назорат остига олинган, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва дипломатик қорпусларга юбориладиган ҳужжатлар эса бундан мустасно.

Соҳада давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавийларнинг Ўзбекона муқобилларини яратиш бўйича “UNICON.UZ” давлат унитар корхонаси томонидан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид 29та изоҳли лугат ишлаб чиқилган. Улар “ZiyoNET” таълим порталидаги “Кутубхона” бўлимида очилган “Ўзбек тили изоҳли лугати” бўлимига жойлаштирилди.

Бундан ташқари, Ўзбек тилининг изоҳли лугати мобил иловаси яратилган ҳамда у “PlayMarket” электрон майдончасидан ўрин олган.

Хусусан, жорий йил нафақат виртуал реаллик, биткоин ва блокчейнлар тўғрисидаги атамалар изоҳини, балки моддий буюмлар – платформалар, алоқа линиялари, Маълумотларни қайта ишлаш марказлари, логистика каби атамалар изоҳини ҳам ўз ичига олган “Рақамли иқтисодиётга оид атамаларнинг ўзбекча-русча изоҳли лугати” яратилди ҳамда фойдаланиш учун корхона ва ташкилотларга электрон тарзда етказиб берилди.

Амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ОАВ, интернет сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқларда давлат тилига бағишланган мақола ва материаллар бериб борилмоқда.

Байрам муносабати билан барча мобил алоқа операторлари абонентларига табрик, шунингдек, мамлакатимизнинг бутун аҳолиси, айниқса, тадбиркор ва ишбилармонларни ташқи рекламалар, лавҳалар, эълонлар, нархномалар ҳамда бошқа курғазмали ахборот матнларини давлат тили қоида-

ларига амал қилган ҳолда расмийлаштиришга чорловчи SMS-хабарлар йўлланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбек тилини хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш, уни чуқур ўрганиш истагидаги чет эллик фуқароларга кўмаклашишга мўлжалланган Ўзбек тилини ўргатувчи онлайн платформасининг концепцияси ва техник топшириғи асосида Ўзбек тилини ўргатувчи www.uzbek-tili.uz онлайн платформа ҳамда Давлат тилини ривожлантириш департаментининг веб-сайти www.til.gov.uz яратилди.

– Фақат яхши гапларни айтдингиз, нахотки бирорта ҳам муаммо йўқ бўлса?

– Муаммо... Муаммо бор. Вазирлигимизга баъзан бошқа ташкилотлардан рус тилида хатлар келиб тушмоқда. Шунингдек, сўралаётган маълумотларни рус тилида тақдим қилиш сўралган ҳолатлар ҳам кузатиляпти. Бу эса ўз навбатида, барча ҳужжатларнинг давлат тилида бўлишини таъминлаш бўйича иш олиб бораётган ходимлар ўртасида ҳақли эътирозни келтириб чиқармоқда. Бундай тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун барча вазирлик ва идораларда чиқиш ҳужжатларини давлат тилида тайёрлаш (хорижий ва халқаро ташкилотлар бундан мустасно бўлиши мумкин)га алоҳида эътибор қаратиш, бошқа ташкилотдан сўралаётган маълумотларни давлат тилида тақдим этиш мажбуриятини чуқурроқ англаш даркор.

Бунинг натижасида бошқа тилда ҳужжат тайёрланишининг олди олинади, шунингдек, рус тилида жавоб сўраш ҳолатига чек қўйилади.

Яна бир масала. Кенг миқёсда бажарилиши мажбурий бўлган ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида масъуллар бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардан фойдаланмасликларни, улар ўрнига ўша сўзнинг ўзбекча муқобилини ишлатиши мақсадга мувофиқдир.

Ўйлаيمанки, бутун мамлакат бўйлаб Ўзбек тили нуфузини янада ошириш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради ва Ўзбек тили нафақат ўзбеклар сўзлашадиган тил бўлади, балки бутун дунё аҳолиси ўрганишини, библини истайдиган санокли тиллар қаторига қўшилади.

Шоҳида ИСРОИЛОВА
суҳбатлашди

ТИЛ БАЙРАМИ — МИЛЛАТ ШОДИЁНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 21 октябр куни имзолаган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида куйидаги сатрлар қайд этилган: “...бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”.

Ўзбек тилининг ривожланиши ва юксалишида бадий адабиётнинг ўрни — аллома, шоиру ёзувчиларнинг нодир, улмас асарларида она тилимизнинг лугат бойлиги, бадий имкониятлари, унинг гузаллиги ва нафосати ёрқин намоян бўлади.

Яқинда Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси томонидан Москва давлат тилшунослик университетидеги беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” китоби тақдимоти ўтказилди. Ушбу тадбирда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар тиллари ва маданиятлари бўйича ташкилот дирекцияси раҳбарияти, Москва давлат тилшунослик университети профессорлари, ўқитувчилари ва Ўзбек тилини ўрганаётган талабалар иштироки она тилимизга бўлган яна бир эътибордан далолат.

Умон Султонидаги мамлакатимиз элчихонасида Араб тажрибаси институти раҳбари Носир бин Муҳаммад ал-Жабрий билан бўлган учрашувда, “Ўзбек тили дўстлари” клуби ташкил этилди ҳамда институт раҳбарига беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” тўплами топширилди.

Бугунги кунда йигирмага яқин хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юрларида ва мактабларида Ўзбек тили ўқутилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбек тили ва адабиёти бўйича чет эллик олимлар томонидан илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда.

Шу ўринда, энг қувончли ва муҳим тарихий бир воқеани таъкидлаб ўтиш жоизки, жорий йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясидаги чиқиши, юксак минбардан туриб она тилимизда маъруза қилиши қалбларимизни гурур ва ифтихорга тўлдирди. Бу эса она тилимиз, буюк бобоимиз “Навоий тили”ни яна бир бор юқори даражаларга кўтарилишига туртки бўлади.

Айни пайтда “Давлат тили ҳақида”ги қонунни янада такомиллаштириш мақсадида 21 октябр санаси Ўзбек тили байрами деб эълон қилиниши ва республикамизнинг барча корхона ва ташкилотларида, олий ўқув юрларида, бошқа ўқув муассасаларида кенг нишонлаш ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида жорий йил бошидан “Ўзбек тилини 2020 йилда оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш” бўйича медиа-режаси ишлаб чиқилган. Режада Ўзбек тилининг келиб чиқиш тарихи бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар бўйича оммавий ахборот воситаларида ва интернет сайтларида чиқишлар қилиш, Ўзбек тилини улуғловчи тасвирий тарғибот материаллари, ихчам видеороликлар тайёрлаб ижтимоий тармоқлар орқали уларни мунтазам намойишини ташкил этиш, “Ўзбек тили байрами кунини” муносабати билан филиалда ўтказиладиган тадбирларни кенг ёритиш каби бир қанча вазифалар белгиланиб, амалга оширилмоқда.

Тил инсонга табиат ато этган энг бебаҳо тўхфа, маънавий оламини тутиб турувчи устун. Тил — миллиннинг ўзлиги. Ўзбек тилининг бу йил расман катта байрам сифатида ўзгача руҳда нишонланиши халқимизнинг, аждодларимизнинг азалий орзуларининг рўёбга чиқаётганидан далолатдир.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
“Xabar”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

ПРОЕКТ «ДНЕВНИК ГРАМОТНОСТИ»

Национальный язык – это история, без которой ни один народ не мыслим. Язык необходим для общения, он свидетельствует о его самобытности, определяет духовный потенциал нации. Именно языку дано право быть отражением истории народа и развития государства. Об этом феномене писал когда великий Алишер Навои, создавший лучшие поэтические творения, продемонстрировавший широкие возможности узбекского языка, его богатство, гибкость и изящество.

В нашей стране с первых дней независимости уделяется большое внимание сохранению национального наследия, коим и является узбекский язык. 31 год спустя со дня принятия Закона «О государственном языке Республики Узбекистан» был подписан Указ главы государства «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка как государственного языка». В данном документе закреплено, что 21 октября в нашей стране этот день является Праздником узбекского языка. Широкая общественность и народ восприняли эту весть с великой радостью.

Решая задачи, поставленные Президентом Ш. Мирзиёвым по дальнейшему повышению авторитета государственного языка, специалисты информационно-библиотечного центра (ИБЦ) «Bilim» г. Ташкента ведут активную работу по продвижению знаний узбекского языка, формирование чувства гордости за национальный язык, устойчивого интереса к нему среди молодого поколения. Следует признать, что библиотекари ташкентского ИБЦ реализовывая на практике четвертую из пяти важных инициатив Президентом, направленную на повышение культуры чте-

ния, способствуют не только духовно-нравственному развитию молодёжи, но и повышению их уровня грамотности. Так как, благодаря систематическому чтению увеличивается словарный запас и повышается грамотность.

Ежегодно библиотекари ташкентского ИБЦ проводят различные мероприятия, приуроченные к Празднику узбекского языка, как в стенах библиотеки, так и за её пределами. Это и книжные выставки, научные конференции, круглые столы, форумы, фестивали, викторины. Их цель – сохранение, развитие и распространение узбекского языка, воспитание любви и уважения к национальному языку.

В последнее время фонд ташкентского ИБЦ пополнился изданиями на узбекском языке. Среди них: произведения художественной литературы различных жанров, научно-популярная, учебная литература, а также энциклопедические издания и словари. В связи с возросшим интересом к государственному языку и его изучению, среди русскоязычных пользователей большой популярностью пользуются словари и разговорники. Отрадно признать, что многие, из этой категории

пользователей библиотеки, всё больше проявляют желание читать жемчужины узбекской классики на языке оригинала. Красочный, богатый и певучий язык великого Алишера Навои стал для них ключом к постижению узбекской речи и культуры узбекского народа.

В преддверии Праздника узбекского языка, специалисты информационно-библиотечного центра «Bilim» города Ташкента разработали новый проект «Дневник грамотности» («Савадхон кундалиги») в онлайн формате, направленный на повышение грамотности среди населения, особенно школьников и учащейся молодёжи. Целью проекта является пропаганда грамотности, владения навыками чтения и письма на узбекском языке. Проект стартовал в телеграмм канале библиотеки <https://t.me/bilimaksija> под хештегом #савадхон_кундалиги. В проекте принимают участие люди разных возрастных категорий. Кроме этого, на страницах столичного ИБЦ в социальных сетях под хештегом #onatilim_faxrim представлены видеоролики, приуроченные ко дню принятия Закона «О государственном языке Республики Узбекистан». Ну и конечно же, для подписчиков каналов и удаленных пользователей библиотеки подготовлен целый ряд полезной и интересной информации об истории и становлении узбекского языка.

В.МУРАТОВА,
руководитель научно-методической службы ИБЦ «Bilim» г. Ташкента

ТРАНСПОРТ

С 1 НОЯБРЯ В МЕТРО ПЕРЕСТАНУТ ПРИНИМАТЬ ЖЕТОНЫ И ПЕРЕХОДЯТ НА БЕЗНАЛИЧНУЮ ОПЛАТУ

С 1 ноября использование жетонов в Ташкентском метрополитене будет приостановлено. Об этом сообщила пресс-служба Министерства транспорта.

Это делается для расширения объема оплаты пассажиров по единой транспортной карте, ускорения полноценной работы автоматизированной системы, а также исключения наличных денег в общественном транспорте.

В ведомстве напомнили, что пополнить счет разовых транспортных карт можно через билетные кассы метро, пункты продажи ежемесячных билетов, киоски, все электронные платежные системы, а также мобильное приложение АТТО.

На сегодняшний день все станции метрополитена оснащены стационарными валидаторами, которые позволяют оплачивать проезд через единую транспортную карту и банковские карты NFC.

Боле 1000 автобусов ОАО «Тошшахар-трансхизмат» также полностью оснащены мобильными и стационарными валидаторами, позволяющими производить платежи электронными картами.

ЭЛЕКТРОННАЯ КОММЕРЦИЯ

СОСТОЯЛСЯ БИЗНЕС-ФОРУМ «ШАНХАЙ-ТАШКЕНТ: ПЕРСПЕКТИВЫ ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ» — «ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ»

13 октября состоялся Узбекско-китайский бизнес-форум Шанхай-Ташкент: перспективы электронной коммерции» — «Шелковый путь электронной коммерции» с участием представителей деловых кругов двух стран.

На мероприятии выступили с докладами председатель Торгово-промышленной палаты Узбекистана А.Икрамов, Генеральный консул Республики Узбекистан в г.Шанхай А.Масутов, председатель Евразийского департамента Министерства коммерции Китайской Народной Республики Ван Кай, председатель Департамента электронной торговли Джун Лиен и др.

Всего в онлайн бизнес-форуме также приняли участие более 50 представителей общественных и деловых кругов двух стран.

Обсуждались важность цифровой экономики и существующие барьеры и проблемы в этой сфере, способы их решения, а также роль и перспективы платформ электронной коммерции в расширении товарооборота.

Бизнес-форум определил перспективы организации обмена опытом в сфере электронной коммерции, стимулирования системы расширения экспорта отечественной продукции и импорта из Китая, внедрения платформ электронной коммерции, а также дальнейшего развития сотрудничества в этой сфере.

На мероприятии была достигнута договоренность об установлении сотрудничества между АЕЕХ и BMB TRADE GROUP по созданию электронных торговых площадок для расширения экспорта отечественной сельскохозяйственной продукции в Китай.

По итогам бизнес-форума в ближайшее время между хозяйствующими субъектами двух стран были выдвинуты новые предложения, основанные на опыте китайских компаний по повсеместному внедрению платформ электронной коммерции в нашей стране, а также сотрудничеству в строительстве современных логистических комплексов и складов.

УЧЕБА

ВТОРАЯ ВОЛНА КОНКУРСА ДЛЯ АКТИВНЫХ УЧАСТНИКОВ ONE MILLION UZBEK CODERS!

Мы объявляем о втором запуске конкурса для активных участников платформы <http://uzbecoders.uz>. Конкурс в рамках проекта «One Million Uzbek Coders» создан для самых активных участников проекта с целью повышения заинтересованности населения страны в ИТ.

Требования для участия в конкурсе:

— Проявлять инициативу, мотивировать других участников, помогать им пользоваться платформой и осваивать учебный материал в телеграм-группах и соцсетях проекта;

— Присылать авторские статьи, свою историю успеха в проекте или переводы статей на тему ИТ и новых технологий, которые будут полезными участникам проекта.

Инициатива участников оценивается по нескольким критериям:

— Активность в онлайн каналах

— По сравнительным численным показателям;

— По качеству сообщений (полезность информации, соответствие целям проекта);

— Публикации статей

(Уникальность, соответствие целям проекта, полезность, актуальность, грамматика и структура. Статьи должны быть на узбекском языке.)

Право на участие:

Любой желающий может принять участие в данном конкурсе.

Процедура участия:

— Стать участником проекта, зарегистрироваться на сайте <http://uzbecoders.uz> и начать обучение.

— Подписаться на проект в соц.сетях.

— Присоединиться к telegram-группам проекта.

— Публиковать статьи на

странице нашего сообщества: <https://community.uzbecoders.uz/>

Дедлайн публикации: 12.01.2021

Три лучших участника общей возрастной категории получают приз в размере 1500 долларов США.

Три лучших участника школьной категории получают приз в размере 500 долларов США

Ссылка на платформу: <http://uzbecoders.uz>



Нурсултон АБДУРАҲИМОВ:

“ЎҚИТУВЧИЛАРГА МУНОСАБАТНИ ЕВРОПАДАН ЎРГАНИШИМИЗ КЕРАК”

Нурсултон Абдурахимов Россия Федерациясининг Архангелск шаҳридаги Шимолий Арктика Федерал университети бакалавриатурасини нанотехнологиялар ва микротизимли техникалар йўналишида имтиёзли диплом билан тамомлаган. Магистратуранинг бир семестрини Германияда ўқиди, ҳозирда Франциянинг Марсел шаҳридаги Aix Marseille университетиде фотоника мутахассислиги бўйича тахсилни давом эттирмоқда.

– Нурсултон, нанотехнологиялар ва микротизимли техникалар ўзи нима? Келинг, суҳбатимизни шундан бошласак?

– Илмий тил билан айтганда, мен тахсил олган йўналиш физика, кимё, биология, электроника ва тиббиёт соҳаларида эришилган ютуқларни ўрганишга ва кенг қўламда одамлар ҳаётига татбиқ этишга асосланган. Оддий ифодалаганда, ҳозирги кунда илм-фан тараққиётини белгилаб бераётган муҳим йўналишлардан бири. Нанотехнологиялар ва микротизимли техникалар мамлакатимизда нисбатан янги соҳа. Бироқ сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам унга эътибор кучаяётганини кўряпман.

Йўналишим бўйича мутахассислар илмий-тадқиқот институтларида ва тиббий-техник, ядровий физика, кимёвий-техник каби муҳим соҳалардаги компанияларда меҳнат қилишмоқда. Шу билан бирга, замонавий

электроника тизимлари ва технологияларини моделлаштириш, ишлаб чиқариш ва уларни амалда тажрибалар орқали синаш ҳам да олинган натижаларни таҳлил қилиш билан ҳам шуғулланишди.

Маълумот ўрнида айтмоқчиман, микро – 10-6 ва нано – 10-9 рақамларида ифодаланган.

– Нима учун магистрлик даражасини айнан фотоника мутахассислиги бўйича олишга қарор қилгансиз?

– Очиги, фотоникага қизиқишим бакалаврда ўқиб юрган кезларим, 2018 йил сентябр-декабр ойларида First + (Finnish-Russian Student and Teacher Exchange Programme) ташкилоти томонидан тақдим этилган имтиёз асосида Финляндиянинг Ёнсу шаҳридаги Шаркий Финляндия университетида фотоника йўналишида тахсил олган вақтимда кучайган.


Кейинчалик, бакалаврлик диплом ишим (“Разработка универсального экспериментально-го стенда для определения спектрофотометрических характеристик веществ”) учун қилган илмий тажрибаларим ва шу

тажрибалар асосида чоп этилган мақолаларим ҳам фотоника билан бевосита боғлиқ бўлди.

2019 йили Европа Иттифоқининг “Эразмус” дастури грантини қўлга киритдим, айнан у фотоника йўналишида Европанинг бир қатор нуфузли университетларида сифатли таълим олиш имкониятини берди.

Фотоника нанотехнологияларнинг оптик сигналларини юзага келтириш, маълум бир йўналиш орқали тарқалиш ва яна қайта қайд қилиш тизимларини ўрганишга асосланган. Хусусан, замонавий қуёш батареялари ва ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган лазерлар, давримизнинг энг муҳим кашфиётларидан бири ҳисобланган интернет ва телекоммуникация технологияларининг асосида айнан фотоника ётади.

Охириги 10 йил давомида икки марта айнан фотоника соҳасида илмий изланишлар олиб борган олимлар физика бўйича Нобел мукофотининг совриндорлари бўлгани ҳам бежизга эмас. Бу фотониканинг нақадар муҳим йўналиш эканлигини кўрсатади.



Ўртимизда фотониканинг ривожланиши қўллаб муаммолар ечимини таъминлаши аниқ. Масалан, чекка қишлоқларда, айниқса, қиш даврида кузатиладиган электр таъминоти муаммосини қайта тикланадиган энергия тизимларини ўрнатиш орқали ечиш мумкин.

– Магистратурадаги илмий ишингиз қандай муаммо ечимига қаратилган?

– Ҳали аниқ бирор мавзунини танлаганим йўқ. Аммо, диссертациямни лазер технологиялари билан боғлиқ мавзуда қилишни режалаштиряпман.

– Сизнингча, таълим соҳасида Европа мамлакатларидан нималарни ўрганишимиз мумкин?

– Ўйлашимча, Европа мамлакатларидан ўрганадиган энг муҳим жиҳат, бу аввало, ўқитувчиларга тўланадиган машо ва албатта уларга яратилган шароит. Бизда ҳануз ўқитувчилар турли қозғозбозлик ва бюрократик ва-

зифаларни бажаришга мажбур. Ўқитувчининг вазифаси аввало дарс ўтиш ва илмий тадқиқот бўлиши керак. Шундагина таълим тизимимиз ривожланади.

– Мамлакатимизда соҳагизнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган оимларни нималарда кўрасиз?

– Тўғриси айтсам, Ўзбекистонда фотоника йўналиши бўйича бирорта институт ёки илмий лаборатория борлигини эшитмаганман. Шу нуқтага назардан институт ҳам, илмий лабораториялар ҳам ташкил қилинишни хоҳлардим.

– Келажақдаги режаларингиз қандай?

– Биринча навбатда, магистратура босқичини муваффақиятли тамомлашни ният қилганман. Кейин PhD босқичини Швейцарияда давом эттириш ҳам режамада бор.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ суҳбатлашди

ЎЗБЕКИСТОНДА РУС ТИЛИДА ЎҚИТИШ СИФАТИНИ ОШИРУВЧИ ЛОЙИҲА СТАРТ ОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Россия Федерацияси маориф вазирлиги ҳамда Алишер Усмоновнинг “Санъат, фан ва спорт” хайрия жамғармаси ҳамкорлиқда Ўзбекистон Республикасида рус тили ва умумий фанларини рус тилида ўқитиш сифатини оширишга қаратилган “Зур!” (“Класс!”) лойиҳасини бошламоқда.

11 октябр куни Россия Федерацияси расмий делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи чоғида Тошкентда қўшма лойиҳани амалга ошириш бўйича меморандум имзоланди.

Таъкидланишича, россиялик малакали мутахассислар ўзбек тилида дарс ўтиладиган мактабларда рус тили ўқитувчиларининг малака оширишлариға ёрдам беришади.

Лойиҳанинг илк босқичида 32 нафар рус методистлари маҳаллий мактаблар ўқитувчилари ва ўқувчилари ўртасида рус тилини билиш даражасини назорат қилиш учун Ўзбекистонга етиб келди. Россиялик мутахассислар Ўзбекистонда рус тилини ўқитиш сифатини баҳолайди ҳамда ҳамкасбларига тилни ўқитиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

2021 йилда 100 нафар россиялик мутахассис мамлакатимизга келиши режалаштирилган. Ўзбекистонга йўналтирилган мутахассислар сони ҳар йили 100 нафарга кўпаяди. Дастурнинг барча босқичлари 30 мингга яқин ўзбекистонлик ўқитувчиларни қамраб олади.

Меморандумни имзолаш чоғида Россиянинг Санъат, фан ва спорт жамғармаси асосчиси Алишер Ус-

монов маросим иштирокчиларига видео мурожаат йўлади:

“Россия ва Ўзбекистон бир-бири билан умумий тарих ва маданий мерос билан чамбарчас боғлиқдир. Мен ўзим рус тилидаги мактабни тугатганман, шунинг учун ватанимда рус тилини ўқитиш бўйича Ўзбекистон ҳукумати, Россия Федерацияси маориф вазирлигининг бундай узоқ муддатли ва стратегик ташаббусини қўллаб-қувватлаётганимдан жуда мамнунман. Ишончим комилки, бу нафақат таълимни қўллаб-қувватлаш, балки умумий аънава ва истеъдодларимизни қўллаб-қувватлашдир. Ушбу ташаббус муваффақиятли бўлади ва бутун Ўзбекистон аҳолиси томонидан яхши қабул қилинади, шунинг учун мен унга улкан муваффақиятлар тилайман”.



Очиги, корона-вирус мавзуси ҳаммани чарчатди. Кимлардир у ҳақидаги маълумотлардан тўйган бўлса, кимлардир бу дард қолдирган асоратлардан, айрилиқлардан ҳамон ўзига келолгани йўқ... Кўчага чиқсангиз, бозорга тушсангиз, худди ҳаёт изига тушиб кетгандек, аммо Худо кўрсатмасин-у, шифо масканларига бориб қолсангиз, аҳвол ҳамон жиддийлига гувоҳ бўласиз...

Бугунги суҳбатдошимиз Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари, олий тоифали нефролог, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Дилфуза Акромхўжаева сурункали буйрак касаллигига чалинган беморларда COVID-19 қандай хатар тугдириши ва диализга эҳтиёжи баландлар нима-ларни билиши кераклиги ҳақидаги саволларимизга жавоб берди.

БУЙРАГИ ХАСТА ИНСОНЛАРГА COVID-19 ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ

– Буйраги хаста беморларга коронавирус қандай хавф солади?

– Сурункали буйрак касаллиги бор беморларнинг COVID-19га чалиниш эҳтимоли жуда юқори. Хўш, нима учун? Чунки улар асосий касалликлари, масалан, қандли диабет, гипертония, семизлик, атеросклероз кабилар билан ҳам оғирган бўлади. Шу боис бу гуруҳга кирувчи беморлар коронавирусга чалинса, жиддий асоратлар кузатилиши, ҳатто, ўлим хавфи юзага келиши мумкин.

Айниқса, ушбу беморларимиз орасида доимий тарзда сунъий буйрак ўрнини босувчи терапия оладиганлар, буйрак трансплантациясини бошидан кечирганлар коронавирусни жуда оғир ўтказишади. Бизга маълумки, физиологик шароитда иммун тизими туғма ва ортирилган иммунитет ҳисобига танадаги турли яллиғлашни жараёнларни назорат қилиш орқали ҳимоялайди. Сурункали буйрак етишмовчилиги бор беморлар қонидаги доимий уремик токсинлар гемодиализ йўли билан ҳам тўлиқ чиқмаслиги сабаб уларнинг иммун тизимида уремик интоксикация туфайли ўзига хос чуқур патологик ўзгаришлар юзага келиб, иммун фаоллик пасайиши эвазига иммунотанқислик ҳолати кузатилади. Бу эса, ўз навбатида, иккиламчи опортунистик инфекцияларнинг жадал ривожланиб кетишига яхши шароит яратиб беради. Устига-устак, беморлар ёндош хасталиклардан ҳам азият чекишади. Айнан юрак ишемик касаллиги, гипертония ва бошқа дардлари сабаб биз-

Қизил югурдакда асос ревматология бўлса ҳам, қаранг, нечта аъзо зарарланади: тери, буйрак, юрак, жигар, томир, хуллас, ҳаммаси бирин-кетин тизимли ишдан чиқади.

нинг беморлар COVID-19ни оғир ўтказишга мойилдирлар.

Ҳозирги вақтда коронавирус юқтирганларнинг кўп қисми олдин буйраги билан боғлиқ шикоят бўлмаса-да, ушбу хасталик тизимли тусда кечаётгани, яъни асосан майда калибрли қон томирларни жараҳатлаб (васкулит ва тромботик микроангиопатиялар), ўткир буйрак етишмовчилиги асорати юзага келяпти, яъни уларда буйраклар функциясининг ўткир бузилиши кузатиляпти. Натижада беморлар қайси профил ва қаерда етишдан қатъи назар, сунъий буйрак аппаратида эҳтиёж ортиш муаммосига дуч келмоқда. Оддий тушунтирадиган бўлса, энди COVIDни даволадик деб турганда кўққисдан буйрак тўхтаб қоляпти ва диализга муҳтожлик юзага кел-япти.

Ўзи сурункали тарзда диализга тушган касалларимизни шундоқ ҳам бу муолажадан

узиб бўлмайди. Улар диализни бир умр олишади. Мана, қанчалик мураккаб ва муаммоли вазият бу...

– Биламизки, COVID-19, аввало, нафас аъзоларини зарарлайди. Лекин унинг бошқа аъзоларни, жумладан, буйракни қандай асоратлаши ҳозирча жумбоқ, тўғрими?..

– Очигини айтаман, мен коронавирус бўйича мутахассис эмасман, лекин беморларимиз асосан тизимли касалликлар "исканжа"сида бўлгани учун ўз хулосаларимни келтириб ўтишим мумкин.

Билсангиз керак, қизил югурдак (красный волчанка) деган сурункали тизимли хасталик бор. У асосан бириктирувчи тўқима ва қон томирларни зарарлайди, ревматологик касаллик ҳисобланади. Бу дардда тизимли, яъни аутоиммун жараён кечади. "Ауто" – ўз иммун тизими, ўз тўқимасига қарши ишлади дегани. Натижада нима бўлади? Ўша тўқима ва аъзо функцияси издан чиқади. Ҳар қандай аутоиммун касалликда иммун механизм – антиген-антитана механизми юзага келади. Қизил югурдакда асос ревматология бўлса ҳам, қаранг, нечта аъзо зарарланади: тери, буйрак, юрак, жигар, томир, хуллас, ҳаммаси бирин-кетин тизимли ишдан чиқади.

COVID-19 ҳам шунга ўхшаш кечаяпти. Вируснинг кучлилигидан жараён жуда тез ривожланиляпти ва кимлардадир ўпканинг, бошқаларида жигар, юрак, буйраклардаги наздик томирларнинг зарарланиши, тромблар ҳосил бўлиши, яъни

геморрагик синдромлар кузатиляпти. Мана шундай аутоиммун жараён ҳисобига ўткир буйрак етишмовчилиги ҳолатлари ҳам келиб чиқаётган бўлиши мумкин. Лекин, юқориде таъкидлаганингиздек, бу касаллик ҳали биз учун янги, яъни жумбоқ. Илмий изланишларнинг эса энди-энди илк хулосалари айтиляпти.

– Ўз соҳангиздаги беморларга коронавирус профилактикаси бўйича қандай маслаҳатлар бера olasiz?

– Сурункали буйрак касаллиги билан назоратда турувчи беморлар имкон қадар коронавирусга чалинмасликка ҳаракат қилишлари зарур. Маълумки, COVID-19 инсондан инсонга ҳавотомчи йўли орқали юқади. Шундай экан, вируснинг оғир асоратларига мойил кимсалар,

жумладан, кекса ёшдагилар, диализ муолажасини олувчилар, буйрак трансплантациясини ўтказганлар ва бошқа сурункали касаллиги борлар, албатта, барча профилактик чораларни қўллашлари шарт: оммавий ахборот воситалари томонидан узлуксиз тарзда бериб борилаётган мутахассислар тавсияларини амалда қатъий қўллаш, яъни ўз-ўзини изоляция қилиш, ижтимоий масофани сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш даржор.

– Мабодо беморингиз коронавирусни юқтириб олган бўлса-чи?..

– Борди-ю, сурункали буйрак касаллиги бор ва диализ олиб юрадиган бемор COVID-19га чалиниб қолган тақдирда ҳам муолажасини тўхтатолмайди. Ўзи бундай беморлар ҳафтада уч марта диализ олиб туришади. Ушбу жараёнда битта хонада 10-14 нафаргача бемор 4 соат давомида диализ олиб ётади. Хўш, агар улардан бирида коронавирус аломатлари аниқланса, қандай чора кўрилади? Аввало, касаллик аломати сезилган ёки бироз иссиғи чиққан бемор зудлик билан диализ марказига телефон қилиб, мутахассисларни огоҳлантириши ва COVID-19га тест топшириши даржор. Агар натижа ижобий чиқса, у юқумли касалликлар шифохонасидаги махсус гемодиализ бўлимига ўтказилиб, ўша ерда муолажасини давом эттиради. Шунга қарамай, муолажа вақтида ва хавфсиз жойга етгунча тиббий ниқобини ечмай, қўлларига тез-тез ишлов бериб туриши шарт.

Энди сурункали касаллиги бор-у, лекин диализ даврига етиб келмаган беморларда коронавирус аниқланса, улар COVIDга ихтисослаштирилган жойларда даволанишади. Ҳозирда у ерларда ҳам нефрологлар, бошқа тор доирадаги малакали ихтисослашган мутахассислар онлайн ёки офлайн тарзда ўз маслаҳатларини бериб келишапти.

– Бугун COVID-19 сабаб бошқа ўлим кўрсаткичи юқори бўлган касалликлар четга сурилиб қолди. Шундай эмасми?..

– Тўғри айтасиз. Биласизми, нега шифокорларимиз одамларга D витамини ва қоннинг қуюқ ва суюқлиги жуда муҳимлигини тинмай эслатишапти деб ўйлайсиз? Бу сурункали буйрак касаллиги бор беморларимизга ҳам таллуқли. Чунки қон босими доимий юқори бўлиб юради-ганлар, чин маънода бўлма-са-да, барибир сурункали буйрак касалига киради, агар доимий тарзда шифокор тавсияларига амал қилмай, асосий қон босимини бир меъ-ёрда ушлаб турадиган препаратларни ўз вақтида қабул қилмаса, нишон аъзолар бўлмиш юрак, мия, буйрак, қон томирлар функцияси аста-секин пасайиши мумкин. Демак, бу борада соғлом турмуш тарзига амал қилиш ва соғлом овқатланишнинг ҳам ўрни катта.

Яна аҳолимиз ҳар хил маълумотларга таяниб, уларни нотўғри тушуниб, шифокорлар буюрган ва айни пайтда саломатлиги учун жуда муҳим бўлган қон босимини меъёрлаштирувчи, қондаги қанд миқдорини пасайтирувчи дорилар қабулини тўхтатиб қўяётган экан. Йўқ, зинҳор бундай йўл тутмаслик керак, ахир ўзларига жабр бўлади-ку. Аксинча, уларни мутахассис буюрган тартибда қабул қилишлари, лаборатор таҳлиллар назоратига эйтибор қаратишлари, ўз вақтида шифокор кўригига боришлари шарт. “Э, дори кўпайиб кетди” деб ёки фақат коронавирусни ўйлаб асосий хасталиқларини эсдан чиқариб қўйиш яхши эмас.

Ҳаётнинг бу каби оғир синовларини, яхши ва ёмон кунларини бошидан кечирган халқимиз ҳозирги вазиятни ҳам тўғри тушуниб, масалага онгли ёндашса, бу қийинчиликлар албатта ўтиб кетади. Биз шифокорлар эса ушбу мурракб даврда халқимиз саломатлиги йўлида ўз билим ва кучимизни асло аямаймиз!

Шоҳида ИСРОИЛОВА
суҳбатлашди

Ҳозирги вақтга-ча "COVID-19" касаллигини самарали даволаши кафолатланган препарат топилгани йўқ. Шунга қарамасдан, "COVID-19" касаллигини даволашда яхши натижа кўрсатаётган дори воситалари мавжуд бўлиб, бундай дорилар орасида ҳозирда энг машҳури "Ремдесивир" ва "Фавипиравир" дейиш мумкин.

— Ҳақиқатан ҳам шу дорилар коронавирусни енгилди ёрдам бераётими?

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати мазкур савол билан ССВ ҳузуридаги Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси Эъзозбек Ризаевга мурожаат қилди.

— “Ремдесивир” вирусга қарши препарати 2015 йил АКШда яратилган бўлиб, Африкада тарқалган “Эбола” вирусига қарши қўлланилган. 2020 йил 1 майдан бошлаб Америка озиқ овқатлар ва дори воситаларини санитар назорат қилиш бошқармаси томонидан коронавирусни даволашда тезкор дори сифатида қўлланилишига рухсат берилган. Утган вақт орасида “Ремдесивир” ўзининг ижобий натижаларини ҳам берди. Шу сабабли коронавирусни даволашда бутун дунёда қўлланилмоқда. Ҳозирда “Ремдесивир” препарати Ўзбекистонда ҳам “Ремдесса” номи билан ишлаб чиқарилмоқда.



КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ДОРИЛАРНИНГ НОЖЎЯ ТАЪСИРЛАРИ БОР

Коронавирусни даволашда яна бир кенг қўлланилаётган дори воситаси бу – “Фавипиравир”. У Японияда “Авиған” номи билан 2014 йилдан “Fujifilm Toyama Chemical” компанияси томонидан грипп касаллигига қарши ишлаб чиқарилаётган дори воситаси бўлиб, гриппни даволашда бошқа препаратлар таъсир кўрсата олмаганида заҳира препарати сифатида татбиқ этилган. “Фавипиравир”нинг биологик актив моддаси бир қатор вирусларнинг кўпайишини блоклайди. Бу препарат ҳам Африкада “Эбола” вирусини даволашда кенг қўлланилган. 2020 йилнинг феврал ойидан бошлаб Япония клиникаларида коронавирусни даволашда кенг қўлланилиб келинмоқда.

“Ремдесивир” ва “Фавипиравир” вирусга қарши дори воситалари синон вақти ва даволаш муолажалари даврида ўзини ижобий намоян этмоқда. Даволаш кунлари қисқармоқда, беморлар аҳволи сезиларли

даражада яхшиланмоқда.

— Аммо бу дори воситаларининг ножўя таъсирлари ҳақида ҳамма ҳам билмайди...

— Тўғри, Японияда “Авиған” (“Фавипиравир”) дори воситаси фақат буюртма асосида клиникаларга етказиб берилди. “Ремдесивир” вирусга қарши дори воситаси эса фақатгина стационар шароитида қўллашга мўлжалланган. Чунки “Ремдесивир” дори воситаси “COVID-19” касаллигининг ўрта оғир ва оғир шаклида беморларга тавсия этилади. Сабаби барча дори воситалари сингари ушбу дори воситасининг ҳам фойдали ва зарарли тарафлари мавжуд. Жумладан, тиббий кўрсатмасиз паллапартиш ва юқори дозада ишлатиш буйрак етишмовчилигини келтиради, жигар ферменти “АлТ”нинг ошишига олиб келади, ўткир нафас етишмовчилиги, кўнгил айниши ва қабзиятни чақиради.

“Фавипиравир” дори воситаси

касалликни енгил ва ўрта оғир кечиб даражасида фақат шифокор назорати остида тавсия этилади. Сабаби “Фавипиравир”ни вирус юкласи кўп бўлганда ва фойдаси зараридан устун деб топилгандагина тавсия этилади. Уни ҳомиладор аёллар қабул қилганда боланинг кўп нуқсонли туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Буйрак етишмовчилигини чақиради. Ҳаракат функцияларини бузади.

Ачинарлиси, санаб ўтилган ножўя таъсирга қарамай, аҳоли орасида “Ремдесивир” ва “Фавипиравир” дори воситаларини ишлатишга хоҳиш ортиб бормоқда. “COVID-19” касаллиги билан “асоратланган” ҳолатда тиббиёт муассасаларига мурожаатлар кўпайиб кетди. Бунга эса билиб-билмасдан кўп миқдорда ва керак бўлмаган ҳолатда юқорида санаб ўтилган дори воситаларини ўзбошимчалик билан қабул қилиш сабаб бўлмоқда.

МУТАХАССИС "COVID-19" ҲАҚИДАГИ МИШ-МИШЛАРГА ОЙДИНЛИК КИРИТДИ

Шифокор-инфекционист, тиббиёт фанлари номзоди Георгий Сапроновнинг сўзларига кўра, коронавирус инфекцияси организмга осонроқ кириши учун шаклини ўзгартира олади. Одамлар орасида касалланишлар сони тобора кўпайиб бораётгани учун коронавирус ҳақида саволлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Мутахассиснинг фикрича, кўзойнак чиндан ҳам коронавирусдан ҳимоя қилади.

— Вирус кўз шиллиқ қаватига тушгач кўз ёши билан бурун-ёш каналида ювлади ва юқори нафас йўлларига тушади. Бунда касаллик юқиш хавфи сезиларли даражада камайди, — дейди Сапронов.

Унинг таъкидлашича, коронавирусни бўм-бўш лифтда ҳам юқтириб олиш мумкин.

— Одам нафас чиқарганда, ўзининг атрофида муайян ҳаво суспензиясини ҳосил қилади. Агар коронавирус билан касалланган бемор лифтда йўталса ёки аксирса, вирусни юқтириб олиш мумкин, — дея таъкидлайди шифокор.

Шифокорнинг сўзларига кўра, Африкадан келтирилган шuvoқ ўсимлигидан тайёрланган ичимлик коронавирусни даволаши — чўпчак.

— Кўпгина давлатлар шuvoқдан фойдаланиш бўйича катта тажрибага эга, бироқ ҳозир ушбу ўсимликнинг коронавирусни даволаш самарадорлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ — дея таъкидлайди шифокор.

Инфекционистнинг айтишича, қўлларни қуритувчи электр жиҳозлар коронавирусни тарқатиши ҳақидаги фикр ҳам чўпчакдан ўзга нарса эмас.

— Электр қуритгич ҳавони пастга — қўлга юборади, ҳаво иситувчи спираллардан ўтади. Қиздирилгандан сўнг вируснинг тирик қолиши амримаҳол, устига-устак, айрим қуритгичларга ультрабинафша чироқ ўрнатилган бўлади, — дея маълум қилди Сапронов.

Шифокор одамларни ижтимоий масофага амал қилишга, қўлларни тез-тез ювишга, оғиз-бурунни ёпиб турадиган ниқоб тақишга, шамоллаш аломатлари бўлганда уйдан чиқмасликка чақирди.

10 | МУЛОҲАЗА



ИШЛАГАН ОДАМ ТИШЛАЙДИ (МИ?)

Ёхуд боқимандаликни касб қилиб олган айрим ёшлар ҳақида

Ён қўшнимнинг дарвозаси ёнида турган “Тез ёрдам” машинасини кўриб, кўнглимга хавотир тушди. Хаёлимга, “Ишқилиб корона вирус (ҳозир ёнингизда турган одам тўсатдан аксирсаям, вирусга алоқаси йўқ касали ҳақида гапирса ҳам дарров кўнглига шубҳа тушадиган бўлиб қолди) эмасмикан?” деган фикр келди. Йўғ-э, дедим ўзимни тинчлантириб. Ахир кечагина гапладик, соппа-соғ эди, “Уйда усталар бор, биров таъмирлаш ишларини қилдирияман”, деган сўзлари эсимга тушиб, хотиржам бўлдим. Балки, қайнонасининг тоби қочгандир, деган хаёлга бордим. Эртасига қўшнимни дорихонага кетаётганида учратиб қолдим. Хол-аҳвол сўрадим.

– Нимасини айтасиз, кўшни, кеча қон босимим ошиб, “Тез ёрдам” чақиршига мажбур бўлдим, – деди хомуш тортиб.

– Уйда бирор нохушлик бўлдими, кечагина бинойидек юргандингиз?

– Мен гапирмай, сиз эшитманг. Бир ҳафта ичида ғалати воқеалар юз берди, – дея дардини айтишга тушди. – Хўжайинимнинг таътил пули чиққанди, шунга ҳовли четиға янги қурилган уйнинг том қисмини қилдириб олиш учун уста чақиртиргандик. Ўғлим иккита уста йигитни топиб келди. Уста ҳақини келишиб олишди. Пайшанба куни йигитлар келиб, иш бошлашди. Бозорга тушиб нақ тўрт миллион сўмлик қурилиш моллари олиб келишди. Хурсанд бўлиб, белимга фартугимни тутиб, ош-овқат, куннинг иссиғида муздаккина компот, айронлар қилиб йигитларни сийладим. Биринчи куни жуда яхши ишлашди. Кечга бориб бир миллион аванс сўрашди, бериб юбордим. Эртасига эрталаб соат 10ларга яқин келишди. Кечки пайт 5ларда эса кетишди. Кетаётиб шанба, яшанба кунлари ишга келолмаймиз дам оламиз, дейишди, хўжайиним, “Майли, душанба куни эртарақ келиб иш бошланглар”, деб кузатиб қўйди. Душанба куни соат 11 бўляптиям усталардан дарак йўқ, ўғлим кўнгиноқ қилса усталарнинг каттаси Хумоюн, “Бугун борол-

маймиз, шеригим Бахтиёр кеча оғайнилари билан ўтириб кўп ичиб юборибди”, дебди. Майли дедик, душанба ҳам ўтди, сешанба куни келиб қолишар деб йўл қараб кўларим толди. Уйга кираман, кўчага чиқаман, ўғлимга кўнгиноқ қилдираман яна баҳона, бугун ишолмаймиз, Бахтиёрнинг мазаси қочган, деган хабар келди Хумоюндан. Чидолмасдан Бахтиёрнинг хотини билан боғландим. Бечорага дардимни айтишимни биламан, йиғлаб борсам, хўнграб чиқди, мақолидан бўлди. Айтишича, уларнинг учта ёш боласи бўлиб, яқинда янги участкага чиққан, ҳали томларини ҳам ёлиб улгуришмаган экан.

– Эшик-деразасиз ҳамма ёғи очик ҳовлида яшаймиз, хўжайиним бўлса ичиб олиб ҳар доим шундай хўнар кўрсатади. Болаларим оч қолгач маҳалладан ёрдам пули олгандим, ўша пулни ҳам ичиб тугатди. Иложи бўлса уйингизда олиб қолиб ишлатинг, уйга пул билан келсин. Ҳозирку кунлар иссиқ, эрта-индин совуқ тушиб қолса қандай яшаймиз, – деди.

Бу гаплардан сўнг астойдил ишга киришмасам бўлмаслигини тушундим. Йигитларга кўнгиноқ қилиб, масъулиятни ҳис қилишларини илтимос қилдим. Иккиси ҳам, “Опажон чоршанба куни эрталаб соат 9да уйингизда бўламиз”, деб ваъда беришди. Енгил нафас ола бошладим. Чоршанба куни соат 11ларда бемалол, худди дам олишга келгандек кириб келишди. Уларни кўриб хурсанд бўлиб кетдим. Тушлик учун овқат тайёрлашга киришдим. Орадан икки соатларча вақт ўтиб йигитлар нарсаларини йиғиштиришга киришди. Сабабини сўрасам, Бахтиёр “Бундай аҳволда ишолмайман, кўнглим айниб, бошим оғрияпти, эртага келамиз”, деди. “Маства қиялпман. Қатиқлаб ичиб бир-икки соат ухлаб олсангиз ўтиб кетади, кейин ишлайверасиз”, дедим, йўқ бўлмайди, деди. Унда Бахтиёр кетаверсин, Хумоюнга ўғлим ёрдам берари, сиз қолиб ишлайверинг, десам Хумоюн тушмагур, “Биз пулни тенг оламиз, бир ўзим ишолмайман”, дейди. Хуллас, у десам бу дейишди, бу десам у дейишди. Хўжайинимни жаҳли чиқиб нарсаларингни йиғиштириб кетаверинглар, бошқа уста топаман, дея жавоб

бериб юборди. Ўғлим ҳисоб-китоб қилгани биздан қарз бўлиб қолишди. Қарздан ҳам воз кечдик. Аммо уларнинг бировларни ҳам катта харажатга, ҳам хавотирга қўйиб, яна ҳеч нарса бўлмагандек ғоз юриш қилиб уйдан чиқиб кетишлари мени ғазаблантирди. Кечга бориб хўжайиним иккита уста топиб келди. Келишиб олишди. Эртадан иш бошлашимиз, ҳамма нарса тайёр экан, дейишди. Кетаётиб таксига деб 100 минг сўм пул сўрашди, бериб юбордик. Икки кундан бери уларданам дарак йўқ. Кўнгиноқ қилсам ана борамиз, мана борамиз деб турли баҳоналар қилишди. Ахйри бу можаролар мени йиқитиб қўйди, қон босимим ошиб, “Тез ёрдам” чақиршига мажбур бўлдим.

Қўшнимникидаги усталар билан боғлиқ можаро охирига етмай туриб янги муаммо пайдо бўлди. Маҳалламиздаги эрхотин ўртасидаги келишмовчиликни ҳал қилишда баъзида фаолларга ёрдам бериб тураман. Маҳалла фаоли кўнгиноқ қилиб, бир оилани яраштиришда ёрдам беришимни илтимос қилди. Биргаликда ўша оилага кириб бордик. Ҳовлида на эр-хотин, на болалар яшаши учун шароит бор. Эр ҳам, хотин ҳам ишламайди. Энг ачинарлиси нима биласизми, ё эркак ўзи пул топиб рўзғорини тебратмайди ёки аёлини ишлашига рухсат бермайди. Карантин пайтидаги етишмовчилик аёлнинг жонидан ўтган. Маҳалладан келадиған ёрдамларни олишга уялган. Аёл эрига, “Икаламиз ҳам соппа-соғ бўлсак, оёқ-қўлимиз бут, ишлаб пул топайлик, уйларни таъмирлайлик”, деса эркак ҳадеб нолийвермай шукр қилиб яша деган. Уртада даҳанаки жанг бошланган. Жаҳлга берилган эр аёлини роса дўппослаган, болаларини олиб қолиб хотинини онасиникига ҳайдаган. Шунда ҳам аёл уйига қайтиб келган ва эр уни уйига киргизмаган. Бир амаллаб уларни яраштиришга эришдик.

Қурбон ҳайити арафасида маҳаллар томонидан тарқатилган моддий ёрдам пулларининг ўз эгаларига етиб бормагани ҳақидаги турли хабарлар ижтимоий тармоқларни ҳаракатга келтириб, одамларни саросимага солиб қўйгани ҳеч кимга сир эмас. Тўғри, буни инкор қилолмаймиз, вирус кимгадир

офат, кимгадир омад келтирди, десак ҳам бўлади. Айрим қўштирноқ остидаги раислар, эпидемиология маркази раҳбарлари халқнинг, яъни беваю бечоралар, ёрдамга муҳтож одамларнинг ҳаққиға кўз олайтирди. Ўтирозларга қарамасдан ҳамон давлатнинг маблағини талон-тарож қилаётганлар йўқ эмас. Бундай норозиликларнинг келиб чиқишига албатта одамларнинг ўзи ҳам айбдор. Билаги кучга тўлган, тоғни урса толқон қиладиған, имкониятдан фойдаланиш ўрнига аёлини маҳаллага ёрдам сўрашга юбораётган эркаклар эмасми? Бундайлар кам таъминланган деган маълумотномани кўтариб, эшикма-эшик хўжга йиғиб юришдан ор қилишмайди. Натижада ҳақиқатан моддий ёрдамга муҳтож одамлар бир четда қолиб кетади ва ўртада норозилик келиб чиқади. Юқоридаги каби айни билаги кучга тўлган, меҳнат қилиб чарчамайдиган ёшда дангасалик, юзсизлик, боқимандаликни касб қилиб олган ёшлар билан сўхбатлашсангиз, иш йўқлиги, моддий шароити яхши эмаслигидан нолийди. Мана иш, мана шароит, марҳамат қилиб ишласанг пулингни оласан, десаңгиз қочгани жой тополмай қолишди. Уларнинг мақсади бели оғримай, меҳнати сингмай нон ейиш. Уйда уч боласи бор эркак қайси виждон билан бировларнинг ҳалол ишлаб топган пулларини кўчага сочиб юборади. Ахир даси ҳар куни уйига қуруқ қўл билан кириб бораётганини кўрган болалар отасига қандай қилиб қорним очди дея олади. Ахир, қорни оч боланинг миясига бирор қатор шеър ёки қўшиқ қирадими? Бундай болалар яхши шароитда яшаш ҳақида онасидан эртақ эшитиб, хаёл суриши мумкин. Фақат қорин тўқлаш ғамида юридиған болалар билан келажакни яратиб бўладими?

Қайсики оилада етишмовчилик (имконияти чекланганлар бундан мустасно) камбағаллик сезилаяптими, дедим, ўша оиланинг эркакги ҳам, аёли ҳам дангаса. Нега биз кўпроқ эркакларни айбалаймиз. Чунки уларнинг ўз аёлига қилаётган қайсарликлари, талаблари жабрини аксарият ҳолларда болалар кўради. Агар аёлга имконият берилса, болаларини оч қолдирмаслик учун тоғни уриб толқон қилишга ҳам тайёр.

Кўп қаватли уйлар атрофидаги чиқинди ташлаш шохобчасида самарқандлик бир аёл яшайди. Яқинда у билан ҳамсуҳбат бўлдим. Хўжайини ўғил туғиб бермадинг, деб у билан ажрасанг бошқасига уйланган. Аёл отасиникига сифмағач пойтахтга келган ва “махсустан”га ишга жойлашган. Чиқиндиҳонадаги баклажакларни йиғиб сотади, мактабда фаррошлик қилади. Одамларнинг уйларини бориб тазалайди, тўй-маросимларда хизмат қилади. Ҳаётдан бирор марта нолимайди. Энг катта орузси қизини ўқитиб, билимли қилиш. Унинг кичкинагина хонасида телевизор, музлатгич, ҳаттоки вентилятор ҳам бор. Хонанинг турига қизининг мактаб формаларини осиб қўйган. Аёл шу фарзанди учун ҳеч нарсадан уялмаяпти, чарчадим демаяпти, нолимаяпти.

Мулоҳазаларимизга яқун ясайдиған бўлсак, ҳар бир ота-она фарзанди энг аввало ўзи учун дунёга келтиради. Бизнинг ҳар бир босган нотўғри қадамимиз, ҳаракатимиз уларнинг келажакига, оруз-уйларига соя солиши мумкин. Шундай экан фарзандларимиз олдидаги бурчимизни унутмайлик!

Нигора РАҲМОНОВА,
журналист



СЕРДАРОМАД КАСБ ЭГАСИ БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

Дастурлашни ўргатадиган бепул ва арзон курслар

2020 йил нафақат бутун дунёни қайсидир маънода ларзага солган тарихий воқеалари, балки бугунги кунга қадар содир бўлган ва бўлаётган жараёнлари билан эсда қоғарли бўлмоқда. Мисол учун Илон Маск фазога ракетани учуриб, уни бус-бутун қайтариб ерга қўндирди. Фазода 5Gни ишга туширди, бунинг натижасида яқин келажақда бутун дунё бўйлаб юқори тезликдаги интернет пайдо бўлади.

IT-Парк резидентлари курслари

Навбатдаги самарали ва арзон курслар IT-Парк резидентлари курсларидир. IT-таълим соҳасида сифатли хизматларни тақдим этадиган кўплаб IT-Парк резидентлари мавжуд. Улардан бири – PDP IT Academy. PDP IT Academy – Android дастурлаш, Python дастурлаш, Frontend, Flutter, iOS бошқалар каби долзарб IT-мутахассисликларини ўрганишигиз мумкин бўлган академия. Барча курслар фақат ўзбек тилида бўлиб, аҳолининг аксариятига таълим жараёнида қийинчилик ва тил тўсиқларисиз ҳолда IT-соҳасига кириш имконини беради.

PDP IT Academyда ўқишнинг асосий хусусияти шундаки, талабалар ўзлари учун йўналишни танлайдилар. Бунда иккита таълим тартиби мавжуд, биринчиси — одатий режим бўлиб, унда талабалар ўзлари учун қулай бўлган тезлик ва вақт билан ўрганадилар. Ушбу режим мактаб ёки университетда ўқиётган ёки ишлаётган ва параллел равишда дастурлашни ўрганишни истаганлар учун мақбул ечим. Оддий режимда ўқишни иш ёки ўқув фаолиятига таъсир қилмайди, чунки у талабанинг вақтини тартибга солади.

Иккинчи режим – бу интенсив таълим режими. Ушбу режим 8 соатлик дарсни, ҳафтасига камида 5 кунни ўз ичига олади. Интенсив таълим билан сиз кўпроқ билим, топшириқ, амалиёт, тажриба ва энг муҳими, катта натижаларга эришасиз.

Тренинг давомида курс ўқитувчилари битирувчиларга портфолио ва резюме яратиш ҳамда ҳатто иш билан таъминлашга ёрдам беради. Ўқитувчилар ўз талабаларига муайян қийинчиликларни ҳал қилишда ёрдам беришдан доимо мамнун, ўқувчиларни қизиқтирган барча саволларига аниқ ва батафсил жавоб берадилар.

Бу Ўзбекистонда энг қулай ва арзон курсларнинг кичик жамланмаси эди, улар ёшларга IT-соҳасида муваффақият қозонишга ва муносиб ҳамда ақлли IT-мутахассиси бўлиш имконини беради.

Мақолани ўқиб бўлган, имкониятларингиз бутун бир уммон эканини, бу уммон эса фақат ва фақат кенгайиб бораётганини тушундингизми? Ушбу имкониятлар уммонда сузишни ўрганиш, айниқса, IT-мутахассиси ҳамда яхши даромад қилишни истаганлар учун аниқ мудоаодир. Имкониятни бой берманг ва дастурлаш уммонига шўнғинг, қўрқманг – чўкиб кетмайсиз.

Ривожланиш Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Мамлакатимизда IT-соҳаси фаол ривожланиб бормоқда, бу эса ўз навбатида IT-мутахассислари, IT-компаниялар ва мутахассисликлари бўйича ўқитиладиган курсларга бўлган катта талаб кўринишида ўз аксини кўрсатяпти.

Бугунги кунга келиб, деярли барча соҳаларда ўзининг ички жараёнлари ва функцияларини қайта ташкил этиш, уларни автоматлаштириш, шу билан дастурчилар ва ишлаб чиқувчиларга бўлган талабни ошираётган кўплаб ўзгаришларни кузатишимиз мумкин. Лекин бунча дастурчини қаердан топиш мумкин? Замон билан ҳамнафас бўлиб IT-соҳасида яхши мутахассис бўлиш учун қаерда ўқиш ва ўрганиш керак? Бу борада сўнги пайтларда мамлакатимизда саногий кун сайин ошиб бораётган курслар ёрдам бериши мумкин. Ушбу мақолада Ўзбекистонда мавжуд бўлган энг фойдали, арзон, пуллик ва бепул, онлайн ва офлайн дастурлаш курслари ҳақида ҳикоя қилинади.

IT-марказлар курслари

Бугунги кунда деярли барча ҳудудларда ва пойтахтда жойлашган IT-марказлар тўғрисида, ҳар бир инсон ёши ва қаердалигидан қатъи назар, келажақ касбларини ўрганиш имкониятига эга.

IT-марказлар бу – рақамли технологияларни ўрганишигиз мумкин бўлган аҳолининг барча қатламлари учун яратилган ўқув марказларидир. IT-марказларда қуйидаги мутахассисликлар бўйича таълим олиш мумкин:

- Компютер саводхонлиги;
- Чуқурлаштирилган MS Office;
- Веб-дастурлаш тиллари;
- Графика ва дизайн асослари;
- Мобил иловаларни яратиш;
- Python дастурлаш тили;
- Arduino ва LEGO Mindstorms асосида ишлайдиган мобил роботлар;
- ESPORTS: CS: GO, Dota2, FIFA20.

IT-марказида бир йил ўқиб олий ўқув юртлиридаги бир неча йиллик таҳсил берадиганидан кўпроқ билим ва кўникма оласиз.

“Бир миллион дастурчи” курслари

One Million Uzbek Coders – янада қулай дастурлаш курсларининг навбатдаги туркуми. Улар шу даражада қулайки, дарслар ўзбек ва инглиз тилларида мутлақо бепул тарзда ўтилади. OMUC – бу яхши ўқитувчиларни қидиришга вақтини йўқотилмасдан дастурлашни ўрганишни истаган одамлар учун яратилган онлайн платформа. OMUC 4 йўналиш бўйича курсларни ўз ичига олади: Android (Google билан ҳамкорликда), Front-end development, Full-stack development ва Data Analysis.

One Million Uzbek Coders лойиҳаси маҳаллий IT-таълимни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон аҳолисига соҳа мутахассисликларини ўзбек тилида арзон ва сифатли ўқишни имконини беради.

Бундан ташқари, OMUC платформасида курсларни муваффақиятли яқунлаганлар Udacity Nanodegree грантини ютиб олиши мумкин. Бу эса уларга Udacity платформасида бепул курсларда ўқиш имконини беради. Udacity платформаси IT-мутахассислигига йўналтирилган етакчи онлайн таълим платформаси бўлиб, ўқув дастурлари ва контент курслари Google, Facebook, Amazon, Autodesk ва бошқа каби етакчи IT-компаниялари билан биргаликда ишлаб чиқилган. Буларнинг барчасига ҳеч қандай пул тўламадан эришиш мумкин – бор-йўғи инглиз ёки ўзбек тилларини билиш ҳамда IT-соҳасини ўрганишга бўлган иштиёқ бўлса kifоя.



12 | АЛОҶА ОЛАМИДА



ТАҚДИМОТ



Apple янги смартфонларини тақдим этди:

iPhone 12, 12 mini, 12 Pro ҳамда 12 Pro Max ҳақида батафсил


Apple компанияси 13 октябр куни “Салом, тезлик” (“Hi, Speed”) деб номланган маросимини ўтказди. Кўпчилик кутганидек, шу куни янги авлод iPhone смартфонлари тақдим этилди.

Жами тўртта смартфон: iPhone 12, 12 mini, 12 Pro ва 12 Pro Maxлар намоиш қилинди. Смартфонлар нархи — 699 доллардан 1 099 долларгача.

Бу смартфонларнинг умумий жиҳатлари қаторига 5G алоқаси, янги MagSafe магнетли коннектори, OLED дисплей ва A14 чипи киради. Смартфонлар бу йилги iPad Pro билан бир хил дизайнга эга. Қолган хусусиятлари буйича қурилмалар ўзаро фарқланади. Қуйида бунга батафсил тўхталамиз.


iPhone 12

- Қўш камера: 12 МП кенг (асосий) ва ултракенг;
- Видео ёзув: Dolby Vision HDR, 30 кадр/сония;
- Аккумулятор муқобиллиги: 17 соат видео томошаси;
- Дисплей: Super Retina XDR, 6.1 дюйм;
- Сувга чидамлилиги: 6 метр/30 дақиқа;
- Экран кенглиги: 2532x1170 (460 пиксел/дюйм);
- Хотира: 64/128/256ГБ;
- Чип: A14 Bionic;
- Корпус маҳсулоти: алюминий;
- Ранглар: кўк, яшил, қизил, оқ, қора;
- Нархи: 799 АҚШ доллари.



iPhone 12 mini


- Қўш камера: 12 МП кенг (асосий) ва ултракенг;
- Видео ёзув: Dolby Vision HDR, 30 кадр/сония;
- Аккумулятор муқобиллиги: 13 соат видео томошаси;
- Дисплей: Super Retina XDR, 5.4 дюйм;
- Сувга чидамлилиги: 6 метр/30 дақиқа;



- Экран кенглиги: 2340x1080 (476 пиксел/дюйм);
- Хотира: 64/128/256ГБ;
- Чип: A14 Bionic;
- Корпус маҳсулоти: алюминий;
- Ранглар: кўк, яшил, қизил, оқ, қора;
- Нархи: 699 АҚШ доллари.


iPhone 12 Pro

- Учталли камера: 12 МП кенг (асосий), ултракенг ва телефото;
- Видео ёзув: Dolby Vision HDR, 50 кадр/сония;
- Аккумулятор муқобиллиги: 17 соат видео томошаси;
- Дисплей: Super Retina XDR, 6.1 дюйм;
- Сувга чидамлилиги: 6 метр/30 дақиқа;
- Экран кенглиги: 2532x1170 (460 пиксел/дюйм);
- Хотира: 128/256/512ГБ;
- Чип: A14 Bionic;
- Корпус маҳсулоти: зангламас пўлат;
- Ранглар: кўк, тилларанг, оқ, қора;
- Нархи: 999 АҚШ доллари.



iPhone 12 Pro Max

- Учталли камера: 12 МП кенг (асосий), ултракенг ва телефото;
- Видео ёзув: Dolby Vision HDR, 60 кадр/сония;
- Аккумулятор муқобиллиги: 20 соат видео томошаси;
- Дисплей: Super Retina XDR, 6.7 дюйм;
- Сувга чидамлилиги: 6 метр/30 дақиқа;
- Экран кенглиги: 2778x1284 (458 пиксел/дюйм);
- Хотира: 128/256/512ГБ;
- Чип: A14 Bionic;
- Корпус маҳсулоти: зангламас пўлат;
- Ранглар: кўк, тилларанг, оқ, қора;
- Нархи: 1 099 АҚШ доллари.



МЕССЕНЖЕРЛАР

TELEGRAM.ORG САЙТИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ИШЛАЙ БОШЛАДИ

Юртдошларимиз орасида оммалашган Telegram мессенжери аллақачон ўзбек тилида иш бошлаганди.

Энди унинг расмий сайти – Telegram.org ҳам ўзбек тилида тақдим этилди — бу ҳақда Telegram Uzbekistan хабар берди.

Telegram.org сайтининг тилини ўзбекчага ўтказиш жуда осон:

- Саҳифанинг юқори ўнг бурчагида, глобус белгиси ёнидаги “RU” ёки “EN”ни босиб, рўйхатдан “O zbek”ни танлаш;
- Тўғридан-тўғри telegram.org/-setin=uz ҳаволаси орқали кириш.

Ҳозирги кунда ўзбек тили расмий равишда Telegram.org сайтининг асосий саҳифасида, шунингдек, SHK/Mac/Linux учун Telegram ҳамда macOS учун Telegram саҳифаларида тақдим этилган.



ТРАНСПОРТ

ТАКСИЧИЛАРГА РАҚИБ ПАЙДО БЎЛМОҚДА

Феникс (АҚШ, Аризона штати) аҳолиси ҳадемай ҳайдовчисиз таксиларда юриш имконига эга бўлади. Чунки Google компанияси Waymo сервисини кенгайтирмоқда, деб хабар берди ВВС.

Узиюрар таксилардан даставвал Waymo иловаси эски миждозларининг дўстлари ва қариндошлари фойдаланишлари мумкин бўлади, кейин навбат бошқаларга ҳам келади. Таъкидлаш керакки, бу хизмат ваъда қилинган муддатидан икки йилга кечикмоқда, сабаблар етарли, жумладан, коронавирус пандемияси сабабли синовлар тўхтаб қолганди.

Автомобиллар масофадан назорат қилинади, транспорт воситалари операторлари факулдада вазиятларда, масалан, йўл ёпилиб қолганида жараёнга қўшилишади.

Бошланишига ҳайдовчисиз таксилар хизмати билан Феникс ва чор-атрофидаги шаҳарчалар — Чандлер, Темпе ва Месанинг 130 квадрат километри қўлаб олинади.

КОРОНАВИРУС

ДУНЁНИ КОРОНАВИРУСДАН ҚЎТҚАРИШНИНГ ЯҶОНА ЙЎЛИ

NBC телекомпанияси суҳбат ўтказган таникли тадбиркор ва филантроп, Microsoft корпорацияси асосчиси Билл Гейтс коронавирус мавзусига ҳам тўхталиб ўтди.

Билл Гейтснинг фикрича, пандемиядан қутулиш ва одатий ҳаётга қайтишнинг асосий шarti – дунё аҳолисини COVID-19га қарши оммавий вакциналашдир. Бунинг учун эса “супер-самарали ва ҳамёнбop вакцина” яратиш керак бўлади.

Мазкур бизнесмен аввалроқ, Fox News телеканалдаги суҳбат чоғида, 2022 йилгача ушбу пандемиянинг тугашидан умид қилмай қўявериш кераклигини айтганди. У яна бир хавотирли ҳолатга урғу берган: коронавирус пандемияси даврида бошқа касалликларга қарши вакциналаш даражаси бутун дунё бўйлаб 14 фоизга пасайиб кетган. Бу эса охириги 20 йилда эришилган натижаларни йўққа чиқарди, дейди тадбиркор.

Таъкидлаш керакки, Bill & Melinda Gates Foundation хайрия жамғармаси коронавирусга қарши курашга 650 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган. Бу мустақил фондлар томонидан амалга оширилган энг йирик хайрия.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.


КОРОНАВИРУС ЯНАДА ЧИДАМЛИ ВА ЮҚУМЛИ...МИ?

Австралия Миллий фан агентлиги тадқиқотчилари SARS-Cov-2 аввал тахмин қилинганда кўра узоқ яшашини аниқлади. Ковид-19ни келтириб чиқарувчи вирус банкнотлар, телефон экранлари ва зангламас пўлатда 28 кун давомда сақланади, юкувчанлигини сақлайди, дейишмоқда тадқиқотчилар. Тажриба ёруғлик тушмайдиган жойда ўтказилган. Чунки ултрабионафа нурлар вирусни ўлдириши аллақачон тасдиқланган.

Коронавирус асосан одамлар йўталганда, аксирганда ва гапирганда юқади. Айрим экспертлар реал ҳаётда вируснинг юзалар орқали юқиши хавфи борлигига шубҳа қилган эди. Шунингдек, унинг ҳаводаги томчилар орқали тарқалиши борасида далиллар мавжуд. АҚШ Касалликни назорат қилиш марказига кўра, вирус тушган метал, пластик каби юзаларга тегинганда Ковид-19ни юқтириб олиш мумкин. Аммо бу йўл билан касаллик юқтириш нисбатан камроқ учрайди.

Virology Journalда чоп қилинган тадқиқот хулосаларида SARS-Cov-2 иссиқроқ шароитда совуқдагига нисбатан қисқароқ сақланиши, +40C ҳароратда эса 24 соат ичида вируснинг юкувчанлиги йўқолиши айтилган.

Шунингдек, ғовакли материалларда, масалан, матода юқумли вирус 14 кундан ортиқ турган ҳолат аниқланмаган бўлиб, вирус уларда силлик юзаларга нисбатан қисқароқ муддат сақланади.



вирусни зарарсизлантирувчи бошқа кимёвий моддалар бўлади”.

Lancetда нашр қилинган мақолада Рутгерс университети микробиология профессори Эмануэл Голдман “жонсиз юзалар орқали вирус юқиши эҳтимоли жуда оз”, деб ёзади. У юзалар орқали юқиш хавфи юқори, деб хулоса берган тадқиқотларда “реал ҳаёт шароити жуда оз ҳисобга олинган”, дейди.

Ўтган ҳафта Калифорния университети тиббиёт профессори Моника Ганди коронавирус юзалар орқали юқмайди, деган эди. Бу тадқиқот қўл ва сенсорли экранларни тозалаш кераклигига урғу беради.

Ковид-19 аввало ҳаво орқали тарқалади. Тадқиқотларда вирус ҳаво томчисида уч соатдан ортиқ вақт юкувчан бўлиб туриши аниқланган. Аммо унинг банкнотлар ва сенсорли экранлар юза-

си орқали қанчалик тарқалиши етарлича аниқланмаган.

Шундай бўлса ҳам, бу натижалар қўлни ювиш ва сенсор экранларни мунтазам тозалаш туриш, инфекция танага тушиши эҳтимолини камайтириш учун қўлни юзга теккизмаслик кераклигини таъкидлайди.

Бу нима учун муҳим?

– Вируснинг юзаларда қанчалик узоқ муддат сақланишини аниқлаш унинг тарқалиши олдини олиш ёки юмшатиш ва одамларни касалликдан ҳимоя қилиш учун керак, – дейди CSIRO Бош директори доктор Ларри Маршалл. Тадқиқот муаллифлари айтишича, SARS-Cov-2нинг зангламас пўлат юзаларда, паст ҳароратда узоқ туриши Ковид нима учун гўшт сақланадиган жойларда ва совуқ ҳароратли омборларда тарқалганини изоҳлайди.

Тадқиқот хулосаси қандай?

Аввалги лаборатория синовлари, турлича натижалар кўрсатган бўлса-да, SARS-Cov-2ни банкнотлар ва ойналарда икки уч кунгача, пластик ва зангламас пўлат юзада олти кунгача сақланишини аниқлаган эди.

Австралия агентлиги CSIRO ўтказган тадқиқотда “вирус ўта яшовчан”лиги, мобил телефонлар экрани, қоғоз ва пластик банкнотларда +20C ҳароратда, нур тушмаган шароитда 28 кунгача сақланишини аниқлади. +20C хона ҳарорати ҳисобланади. Қиёслаш учун, грипп вируси айна шундай шароитларда 17 кунгача сақланиши мумкин.

Қайси жиҳати баҳсли?

Кардиф университетининг Шамоллаш маркази собиқ директори профессор Рон Экклес тадқиқотни танқид қилиб, вируснинг 28 кунгача сақланиши ҳақидаги бу хулоса “одамларда кераксиз хавотир” пайдо қилишини айтиди. “Вируслар йўтал ва аксиршдан ажралиб чиққан мукус – суюқлик тушган юзалар, кир қўллар орқали тарқалади. Тадқиқотда эса вирус тарқатувчи сифатида инсондан олинган суюқликдан фойдаланилмаган, – дейди у. – Мукус вирус учун ниҳоятда нуқулдай муҳитдир, чунки унда вирусни йўқ қилувчи ферментларни ишлаб чиқарадиган оқ қон ҳужайралари, антитаначалар ва

БМТ: “ТАБИЙ ОФАТЛАР СЕНИ ТОБОРА ОРТЯПТИ”

2000 йилдан бери юз бераётган табиий офатларнинг асосий сабаби иқлим ўзгаришларидир. БМТнинг Офатлар хатарини қисқартириш бўйича бюроси (UNISDR) ана шундай хулосага келди.

Бюро 2000 йилдан 2019 йилгача бутун дунёда 7248та йирик табиий офатни қайд этган (бу 1980-1999 йилларга нисбатан икки баравар кўпдир). Бу вақт ичида юз берган офатларнинг қарийб уч мингтаси Осиё, 1800таси Америка, мингга яқини Африка қитъасига тўғри келади. Ер силкинишлари, цунамилар ва асосан иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ офатлар сони анчагина – 3600дан қарийб 6 мингга кўпайган.

Ҳисобот даврида ҳаво ҳароратининг кўтарилишидан 165 минг киши вафот этган. Умуман олганда, табиий офатлар 4,2 миллиард кишига зарар етказди (аввалги даврга нисбатан 1 миллиард кўпроқ).

Табиий офатлар келтириб чиқарган иқтисодий зарар ҳажми эса 3 триллион долларга етди. Ҳисобот муаллифларининг фикрича, аслида иқтисодий зарар кўлами каттароқ, чунки кўпгина давлатлар, айниқса, Осиё ва Африкадагилар табиий офатларнинг иқтисодий оқибатлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилмайди.



ГЕРМАНИЯ АҲОЛИСИ СЎНГГИ 10 ЙИЛ ИЧИДА ИЛК БОР КАМАЙМОҚДА

Германия аҳолиси 10 йил ичида биринчи марта қисқармоқда, дея хабар берди Manager Magazine. Охириги ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатда тахминан 83,1 миллион киши истиқомат қилмоқда – бу ярим йил олдингидан кўра 40 минг кишига кам. Аҳоли камайишига SARS-CoV-2 коронавируси пандемияси сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Биринчи навбатда, немислар сонига чегараларнинг ёпилиши таъсир кўрсатган: март ойидан бошлаб мамлакатга олдинги йилларга қараганда жуда кам – 17 мингта одам кириб келган. Таққослаш учун 2019 йилнинг шу даврида 167 минг киши келган.

Нашрнинг таъкидлашича, Германия ҳукумати меҳнатга лаёқатли хорижликларнинг мамлакатга келишини энгиллаштиради. Негаки, Германияда туғилишдан кўра ўлим сони кўпроқ. Пенсиянерларни қўллаб-қувватлаш учун эса ёшларга эҳтиёж катта.



Илҳом Алиев: “ТОҒЛИ ҚОРАБОҒНИ ТАН ОЛАДИГАНЛАР БИЛАН АЛОҚАНИ УЗАМИЗ”

Озарбайжон Тоғли Қорабоғни мустақил давлат деб тан оладиган ҳар қандай мамлакат билан дипломатик алоқаларни зудлик билан узади. Бу ҳақда Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Haberturk каналига берган интервьюсида айтиб ўтди. “Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлигини бутун дунё эътироф этган. Бирор давлат Тоғли Қорабоғнинг мустақиллигини тан олади деб ўйламайман, чунки орадан бир соат ҳам ўтмай биз у давлат билан дипломатик алоқаларни узамиз. Бунга шубҳа йўқ”, – деди у.

Маълумки, Тоғли Қорабоғ ҳудудида яшаган арманлар 1980-йилларнинг охириларида айирмачилик ҳаракатларини бошлаб, Арманистоннинг қўллови билан 1991 йилнинг сентябрида Озарбайжондан мустақил бўлганини эълон қилган. БМТга аъзо бирор давлат, ҳатто Арманистоннинг ўзи ҳам бу мустақилликни расман тан олган эмас.



Интернет материаллари асосида У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



Кейт ШОПЕН
(1850–1904)

Кейт Шопен (Катерина О'Флахерти) америкалик машхур ёзувчи ҳамда бир қанча роман ва кичик ҳикоялар муаллифи. Айни даврда ҳам адаби беназир ижоди тўғрисида айтаётган асарлари "Ойлик Атлантика", "Замона", "Аср журнали" ҳамда "Ёшларнинг ҳамроҳи" номи турли хил журналларда chop этилиб турди. Унинг асосий кичик ҳикоялари 1893 йилда нашр этилган "Гудак орзу" номи китобига жамланган. "Бир соатлик ҳансома" (1894 й) ва "Бурон" (1898 й) номи ҳикоялари ҳам шулар жумласидан. Шопен фақат ҳикоялар ёзиш билангина чекланиб қолмасдан Америка адабиётини дурдона асарлар сирасига киратган бир неча атоқли романларни ҳам ёзиб қолдирибди. Айниқса, унинг "Туюк" (1890 й) ҳамда "Уйғониш" (1899 й) номи романлари ёзувчи шухратини яна-да баланд чўққиларга олиб чиқди.

Адибанинг порлоқ номи ҳамда унинг сермахул ижоди то буғунги кунгача ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда.

Адибанинг порлоқ номи ҳамда унинг сермахул ижоди то буғунги кунгача ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда.



Поезд роппа-роса бир ярим соатга кечикди. Менга ҳамроҳ бўлиб келган икки-уч нафар йуловчи эрталабки соат олтида бундай изғирин, ачитқи ҳавода келгандан кўра, яна бироз аввалги жойимизда қолсақ дуруст бўлармиди, дея бир-бирларига норози тўнғиллашганларича поезддан туша бошладилар. Бироқ қаршимизда Эмил Сутирнинг иссиққина ошхонаси ўзини кўз-кўз қилиб турарди. Биз Эмилнинг ошхонасида ҳархолда бироз исиниб олсак бўларди. Яна овқатланиб ҳам олмасак бўлмайди. Йулдан очқаб келган биз каби ҳориган йуловчилар учун бу ошхонада чўчқа гўшти ҳам, қайнатилган тухуму қовурилган жўжа ҳам, борингки, денгиз чиганогою мазали қаҳваларгача ҳамма-ҳаммаси исталган пайтда муҳайё турарди. Негадир шунга астойдил умид қилиб, ичкарига кирдик.

Ошхонада Эмилнинг чўчкадай семиз ва пийпасланган хотини омборхонадай ивирсиқ бу гўшасида ҳаммавақт мудраб ўтирарди. Эҳтимол у бечора ҳам тундаги қаттиқ совуқдан эти жунжики қолгану сахарга келиб ўт ёқилган печ тагида ухлаб, қотиб қолгандир. Хайтовур, у бизнинг шарпланишдан кўзини очди-да, жиндай мулозамат кўрсатган бўлди. Кеча кечаси эрининг шаҳарчадан ўлғудай бўкиб ичиб келганини айтиб, мингиллаганча шикоят қила кетди. Эмил ошхонада ҳалиям қайфи тарқамаган алпозда ўтирар, хотинининг пешонасида тинмай жавраб, қуюқишларини зигирча бўлсаям парвоийга келтирмасди, у бир оғиз ҳам гап қайтармасдан ҳадеганда гуриллаб ёна қолмаган печ ичига писта кўмир ташлаш билан овора эди. Эмилнинг хотини қалин сурп кўйлаги устидан эрининг оғир чакмонини кийиб олган, чакмоннинг ёнғоқдай думалоқ-думалоқ тугмалари алмойи-алжойи бўлиб солинган, хотин эса энгил-бошининг нобоплигидан янаям бешбаттар пишиллаганча, худди эрталаб юғриб келгандай, тўхтовсиз ҳарсиллаб турарди. Бу аёлнинг қилиқларига мен ҳечам тушунолмай ўтирардим. У бўсағада ўзининг биққи, кир қўлларини эшик раҳига тираганча худди қоровулдай гўдайиб туриб қолар, дам-бадам овқат пиширадиган печ ва бошқа рўзгор буюмлари қаллашиб ётган қўшни хонага кўз қирини ташлаб кўярди.

"Ҳа, бу Эмил яшашмағур кундан-кунга ҳаддидан ошиб кетяпти, зорманда ҳеч уйга қарамай қўйди, Худо билади, бу кетишда қайси гўрдан топаркинман уни?!"

Хаётга бу қадар белсандлик аёлнинг кўзларидиёғи ёшлик ва гўзаллик нуқсини аллақачон сўндириб юборган, мисоли ёниб-ёнимаётган печдаги олов сингари умри сусткашлик билан қоришиқ ўтарди.

Биз бўлса фақат қаҳва хўшлаб ўтирардик. Ичимиздан ҳеч биримиз на қовурилган жўжа, у ҳам гўё тахта устида бижғиб ётгандай бўлиб туюларди; на чиганоклар – уларнинг келтирилганига ҳам балким неча неча замон бўлиб кетгандир; ёки қўй гўшти, негадир бутун уй ичини гўштининг қўласа

ҳиди тутгандай эди; ҳатто қайнатилган тухумлар ҳам палагда бўлиб айниб ётгандай бўлиб туюларди; ҳеч қайсисини кўнглимиз тортмасди, томоғимиздан фақат қаҳва ўтарди, холос.

Эмил ниятимизни сезиб қолгандай бизларга устма-уст қаҳва тайёрлаш билан машғул эди, у гоҳ тим қора, гоҳ оппоқ сутли қилиб қаҳва ҳозирлар, ўзича бизларга эркакча шинавандалик қиларди.

Бизга қўшни хонада қандайдир шовқин ва тўс-тўполон овози чалиниб турарди, дастлаб ошхонага совқотиб кирган пайтимики бизга бунга унчалик ҳам эътибор бермаган эканмиз. Бир маҳал Эмилнинг чўчкасифат хотини лапанлаганча ўша хонага ўтиб кетди. Унинг бу тахлит юришини кўриб, ўзимизни кулгудан зўрга ушлаб қолдик. Икки нафар шеригим ҳам – улар натचितчеслик эдилар – мен билан аграрганча бериги хонага қўлоқ тутиб қолдик, ғайриоддий нимадир содир бўлгандек эди. Ичкарида Эмилнинг бир боласи хона ўртасида қаққайиб турган баланд хум устидан чалқанчасига йиқилиб тушган, то отаси ё онаси ёрдамга етиб келгунича икки соатдан буён чинқириб тўполон қилаётган эди. "Бўйнинг чирингу! – дея қарганганча ошхонага чиқди Эмилнинг хотини боласини кўтариб. – Бутун афт-ангори қорайиб кетибди! Хумга чиқишига бало бормиди бу итнинг?! У хумнинг ичи тўла илон билан калтакесак бўлса! Баҳайбат бир илон ерга тушиб ўралашиб ётибди-я!"

Болақайнинг юзи ҳадеб қичқираверганидан қип-қизариб кетган, у онасининг елкаси оша бизларга қараркан, кўзлари чақнаб, яққаш илжайиб турарди.

Мен эса қандай қилиб шундай ёш бола икки соатдан бери бундай кўркүв ва азобга дош бердидикин, дея дам ваҳимим, дам ҳайратим ошганча миқ этмай ўтирардим. Аммо кичкина болалар учун дунё мисоли бир ажойиботхона, улар учун ҳаёл ҳамда ҳақиқат ўртасидаги тафовутни ажратиб олиш бениҳоя душвор вазифадир.

Ниҳоят, диққини нафас ошхонадан ташқарига чиқарканмиз, тобора авжига миниб ёғаётган қордан тўйиб-тўйиб нафас олдик. Бутун ер юзини оппоқ қор шиддат билан эгаллаб борарди, шимолнинг оппоққина, юмошқоқина қори кўзни қамаштиргудай ёрқин ва ҳар қандай манзарадан-да юз маргалаб чиройлироқ эди. Жами борлиқни қоплаб борарди бу қор, қалин ўрмонзорлар бағридаги қарағай шохлари оралаб ерга, дарактлар бошига қуюқ тўкилиб ёғарди у; чакалакзорлару экинзорлар, кенг далалар қўйнида ҳам оппоқ қор рақси ҳукмрон эди. Шундагина мен бутунлай энгил тортдим. Биз ўтирган кейинги поезд кишки сукунат чўмган жимжит қишлоқлар оралаб елдек учиб кетди.

Ташқарида менинг кўзларимни қувонтириб кетаётган бир-бирдан бетакрор, ўзгача руҳдаги ажойиб манзаралардан ёнимда кетаётган қайсидир ҳамроҳимни ҳам баҳра олишини мен ич-ичимдан интиқ истаб кетардим. Ёнбошимда кетаётган шеригим

бироз такаббурдай бўлиб кўринди.

– О, буни қаранг-а! – дея тўлқинлианиб кетдим мен. Оппоқ қор ва оппоқ пахта! – Шундоққина ёнгинамиздан пахталари қолиб кетган чала йидоқ далалар лип-лип ўта бошлаганди.

– Ишەкмас махлуқлар! – деди у афтини буриштириб. – Шугинани ҳам териб олишолмабди-да. Ландовурлар! Энди нима фойдаси бор бунинг!

– Ҳаа, – дедим мен хомуш, "ростданам, нима фойдаси бор бунинг?". – Кўзимга совуқ пахта далалари оралаб дилдираганча кезиб юрган юпун негр ишчилари кўринди.

– Ҳалиям бу далаларда пахта қолиб кетибди! Натचितчесдеги қишлоқликлар бунчаюм ялқов бўлишмаса?

– Ҳа, энди пахта ерники-да, керагича териб олингандан кейин ер ҳақиқа ҳам қолади-да. Ахир буни кўринг: нақ сехрли оролга ўхшайди-ку! – дея ҳамроҳимнинг гапига ярим ҳазил, ярим танбех билан жавоб бердим мен.

– Наҳот сиз экувчиларнинг бунақа чала тайёр ер билан қанча қийналишларини билмасангиз? Улар бу жойда на пода боқа олишади ва на экин эка олишади? Ўзингизни-ки бўлганда шунақа гапни айтмасдингиз сира!

– Тагин Худо билади-я, бироқ озгина шафқат ҳам керак-да, биродар, – дедим мен насиҳат оҳангига. – Ахир кўриб турибсиз-ку, қанча негрларнинг ҳалиям изиллаб юрганларини, ахир улар нима қилиб юришибди? Улар ҳалиям пахта титиб юришибди-ку!

Мана шундай аҳмоқлар ҳам бўлади-да, деб ижиргандим ичимда. Негадир шахарга бориб-келётганим учун ўзим ўзимдан афсусланиб кетардим. Йўлда ҳар қанча одамлар тоифаси дуч келаркан, нега улар озгина бўлса-да табиатдан, ҳаётдан баҳра олишни биллешмасин? Қор гўё уларнинг миясини ҳам қоплаб юборгандай эди...

– Пардаларни зич қилиб ёпиб қўйсангилар, – бўлмамизга бош суқиб, буойиб кетди бир поезд ходими.

Энди ҳаёлимга ҳеч нарсани келтира олмадим, фақат қулоқларимгина шиллаётгандек эди, поезднинг бетартиб тарақатуруқию, юрагимнинг хижил нафасигина эшитилиб турарди фақат. Дераза пардасини поезд ходими тайинлагандай зич қилиб ёпдим: гўё турмушнинг бор лавҳаси-ю, Эмил Сутирнинг ифлос ошхонасидай тайинсиз турмуши ҳам, аёзда аралаш бўлиб кетган қор манзараси-ю юпун ишчиларнинг ҳоргин гавдалари – бари-бари шу парда орқасида қолиб кетгандек бўлди. Бу қўнда ҳеч нима қолмагандек эди. Бу жойларда на бир ибодатхона, на бир мактаб, на руҳонийлар ва на ўқитувчилар – бари яшамаган ва бўлмагандек ҳам эди. Аммо кўрғонланган эшик билан темир панжара ўрнатилган дераза нечоғлик мустаҳкам бўлмасин, ҳаёт нафасини улар барибир тутиб қолишолмайди. Муқаддас уй қадри ва инсон қиммати ёғиб, эриб, қуюлиб, эзгиллаб тушаётган мана бу қор билан бирга аста-секин йўқликка сингиб бораётгандек эди гўё. Нафасни қисгудек бўлмамада тарқоқ ҳаёл сурганча хомуш келардим.


Бироқ эртаси куни эрталаб юракларга қувонч ҳамда ёруғлик улашганча кўкка қуёш кўтарилди ва у шунақанги кўп нур сочдики, гупиллаб ёққан қалин қорни ҳам бир неча сониялар ичيدا эритиб юборди, фақатгина том бўғотларида, кейин соя-салқин ерлардагина озгина-озгинадан қор юмларини қолди. Қатор экилган магнолия дарахтлари шохлари офтоб тигида ялтираб, худдики майин жилмайётгандек бўларди. Қовжираб ётган гул қўчатлари мисоли нурлар тафтидан қувват олгандек, вужудларини аста тилкаётгандек эдилар. Гунафшуғуллар ҳам совуқ кунлар адоғ бўлганини кўриш учун новдаларидан оҳиста мўралаётгандек кўринарди.

"Оҳ! Мана, кўвшли кун!"

Ўз манзилимга етиб келиб, таниш кўприк устидан хотиржам қадам ташлаб борарканман, ўз-ўзимдан қичқирдим, негадир овозимни баралла қўйиб, бахтиёр кулгим келарди. Илқик баҳорий шабада юзларимни силаб ўтарди. Мен ўз уйимга тобора яқинлашиб борардим. Қадрдон эшигим останасида эса менинг меҳрибон ва интизор аёлим жилмайганча истиқболимга пешвоз турарди.

Инглиз тилидан
Қандилат ЮСУПОВА таржимаси

"ПОЧТАНИ СЕРДАРОМАД СОҶАГА АЙЛАНТИРАМИЗ"



● Фарғона шаҳар почта алоқаси боғламаси бошлиғи Рустамжон КАРИМОВ.



– Биз юристлармиз. Ишимиз тақозоси сабаб почта хизматларидан кўп фойдаланамиз. Хизмат маданияти ва сифати бизга жуда ёқади, – дейишди Қумрихон Эргашева ҳамда Маъбубахон Қутбиддиновалар.

Фарғона шаҳар почта алоқаси боғламаси жамоаси 9 октябр — Бутунжаҳон почта кунини ана шундай ўзгача шукуҳ ва катта мақсадлар билан кутиб олди. Боиси 5 октябр куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг миллий почта тизimini ислоҳ қилиш масалалари бўйича йғилиш ўтказгани бўлди. Унда давлатимиз раҳбари почта тизimini даромад келтирадиган соҳага айлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни белгилаб бергани унутилган умид-орзуларни яна қайтадан уйғотди.

Вилоятда энг оғир келган 2018-2019 йилларда ҳам зарар кўрмай, аксинча доимо даромад олиб келаётган аҳил жамоанинг бугунги кайфияти юқори. Раҳбари соҳада ўттиз йиллик тажрибага эга бўлган Рустамжон Каримов кўлга киритаётган ютуқларни камтарлик билан қуйидагича изоҳлади:

– Марказда жойлашганимиз учун ҳам бизнинг масканимиз тўловчилар ва мижозлар билан доимо гавжум. Қолаверса, амалиёт залимига мижозлар бошқа шаҳар ва туманлардан ҳам келишади. Посилка, бандерол каби жўнатма хизматларимиздан мунтазам раввишда фойдаланадиганлар жуда кўп. Чунки почта алоқа бўлимларимиз бошиқларни ва почтачиларимиз сидқидил ишлашари, жавобгарликни ва масъулиятни ҳис қилишади. Улар замонга хос ва мос ишлаш кўникмаларини қисқа фурсатларда эғаллаб, ҳурмат қозонишди. Қолаверса, жамиятимиз томонидан астойдил ишловчиларга манфаатдорлик оширилгани ҳам ишимизга файз-барака киритмоқда. Менга ибрат олгулик самарадорлик билан ишлаётганларнинг рўйхатини тақдим этишди. Рўйхатнинг олдинги қаторида обуна бўлими бошлиғи Насибихон Тожибоева, қурьерлик бўлими бошлиғи Марғубахон Ота-

боева, 5-алоқа бўлими бошлиғи, "Ўз касбининг устаси" белгиси соҳиби Фаридахон Каримова, 2-алоқа бўлими бошлиғи Вазирхон Мирзааҳмадано-ва, 10-алоқа бўлими бошлиғи Нарги-захон Мамажоновалар, почтачилар Шукруржон Мўминов, Елена Горячева, Асқаржон Мусаев ва бошқалар бор. Улар "Мунис" дастурида пухта ва бе-хато ишлашни тез ўрганиб олганлар, хизмат ва муомала маданияти билан ҳам таҳсинларга сазовордилар. Бундан ташқари, уларнинг фасилатла-ри ҳақида гап кетганда, яна қуйидаги жиҳатларни қўшимчалаш лозим: улар ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудла-рини ва одамларини яхши билишади. Ташкилот ва корхоналар билан ҳам-корликни йўлга қўя олганлар. Шун-и айтиш керакки, алоқа бўлими ва бо-шлиқларига ҳам ажратилган ҳудудлари бўлиб, улар бу ҳудудларда одамлар-га рисоладагидай хизмат кўрсатиб, ўзлари бошлиқ бўлган бўлим почта-чиларига ўрнак бўлишмоқда.

– Жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш, онлайн кузатиш имконияти-нинг яратилганига анча бўлган, – дей-ди Рустамжон. – Жўнатмаларни Почта-у сайтдан кузатиб бориш мумкин. Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати бош бошқармасининг жаримала-ри тўғрисидаги қарорларини, Адлия

вазирлиги, давлат солиқ инспекция-си, давлат хизматлари хабарномала-рини қоғозга кўчирилиб, махсус конвертларда ишлов бериб гибрид почта орқали манзилларига етказя-пмиз. Шу хизматлар ҳисобига ҳам да-ромадни ошириб бормоқдамиз. Пре-зидентимиз таъкидлаганидек, онлайн савдо майдончалари ташкил этилса, халқаро ташувчи компаниялар ҳамда ўзимизнинг тадбиркорларимиз билан шартномалар тузулиб, фаолиятимиз янгича тус олса, шаҳду шиддат билан, бажониди ишлаймиз. Бунинг учун те-ран англаб турибманки, кадрларимиз салоҳиятини янада юксакларга кўта-ришимиз шарт. Уқитиш, малакалари-ни ошириш, биноларимизни офисла-римиз дейиш даражасига кўтариши-миз ниҳоятда зарур. Лекин биз даро-мадларимизни ошириш, ходимлари-мизнинг, янада аниқроғи, халқимиз-нинг турмуш сифатини ошириш учун ҳар қанча меҳнат қилишга тайёрмиз ва бу эзгу йўлдаги қийинчиликлардан асло қўрқмаймиз.

Таклифлар масаласида берган са-волларимга ҳам жуда қизиқарли жа-воблар олдим. Жамоа вакиллари асо-сан замонавий мутахассислар, IT-му-тахассислари етишмаслиги масаласи-га урғу беришди. "Ўзбекистон почта-си" АЖ Фарғона филиали бош бухгал-тери Ойбекжон Раҳимжоновнинг так-лифи ҳам, бизнингча, чакки эмас. Унинг фикрича, "Ўзбекистон почтаси" номини ҳам ўзгартирган маъқул. Чун-ки ушбу соҳа ривожланиш bosқичида – рақамли дунёга юз бурди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири



Она тилим — Ғурурим

Ҳар қандай миллатнинг ўз она тили унинг қадриятлари, миллийлиги, тарихи ва маънавиятини ифодалайдиган бош мезондир. Шу жумладан, бугунги кунда кенг жамоатчилик томонидан ҳоҳида эътироф этиб келинаётган ўзбек тили ҳам.

Мамлакатимизда "Давлат тили ҳақида"-ги қонуннинг, жорий йил яна бир — 21 октябр санасининг расман Ўзбек тили байрами сифатида нишонланиши ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши она тилимиз ўзининг бор гўзаллиги, имкониятлари ва жозибаси билан янада тўлиқроқ намоён бўлиб бориши шубҳасиз. Уни илмий асосда ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар босқича-босқич ўз самарасини беряпти. Шу кунгача олимлар ва мутахассислар томонидан яратилган турли соҳаларга оид энциклопедик рисоалар, қўлланма, дарслик ва луғатлар тилимизни янада ривожлантириш, уни барча ташкилот ва муассасаларда кенг қўллаш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар сирасига қиради. Шу жумладан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимида ҳам ўзбек тилини ривожлантиришга ҳисса қўиш борасида кенг қўлланма ишлар олиб борилмоқда. Масалан, бизнинг соҳада барча ҳужжатлар ўзбек тилида расмийлашти-рилади. Сайтимизда янгиликлар аввало ўзбек тилида чоп этилади. Ва қолаверса, ахборот технологиялари ривожланган айти пайтда интернетнинг икки тили бўлгани, ўзбек ва рус тилида фойдаланиш мумкин-лиги. Албатта, ўзбек тилини ривожланти-ришга оид ҳар қандай маълумотни аҳоли-га етказиш ушбу соҳа ходимларига ҳам катта масъулият юқлайди.

Ўзбек тили байрами нишонланадиган са-нага санокли кунлар қолди. Ушбу байрамнинг мамлакатимизда кенг нишонланиши она тилимизга эътиборни қучайтириш билан бирга, нафақат ўзбек халқи, балки юртимизда умргузаронлик қилаётган бошқа миллат вакилларининг ҳам бу бебаҳо маънавий бойлиқдан баҳра олиш-ларида, уни ўқиб-ўрганишлари, қундалик ҳаётлари ва ижтимоий фаолиятларида кенг тadbiq этишларида муҳим аҳамият касб эта-ди. Зеро, она тилимиз ҳар биримизнинг ғуру-римиз, шонимиздир.

Бобожон РОЗИҚОВ,
Ахборот технологиялари ва комму-никацияларини ривожлантириш вазир-лиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқар-маси етакчи мутахассиси

ОГОҶ БЎЛАЙЛИК!

Ёнғинни ўчиришдан кўра, олдини олиш осон

Ёнғин – тилсиз ёв. Ундан ҳаммиша эҳтиёт бўлиш учун хавфсизлик қоид-ларига қатъий амал қилиш зарур. Халқ-имиз "Сув балосидан, ўт балосидан ўзинг асра" деб бежиз дуо қилмайди. Бироқ бу илтижолар замирида ҳар бир кишининг ўз амалий ҳаракатлари ётмоғи даркор. Хушёрлик ва эҳтиёткор-лик оловнинг хавфсизлигини олдини олувчи, ўзарлигини қайтарувчи одат ҳисобланади. Боиси ёнғин пайтида ло-қайдлик қилиб бўлмайди. Барча соҳа-ларда бўлганидек, халқ таълими тизи-ми шохобчаларида ҳам ёнғин хавфсиз-лигини таъминлаш энг муҳим ташки-лий ва тарбиявий ишлардан биридир. Зеро, халқ таълими муассасалари-да таълим олаётган ўқувчиларга олов-

нинг ўта хавфлилиги, ногаҳон содир бўлган ёнғинларнинг оғир оқибатлари-ни тушунтириб, шу фалокатдан узоқ-роқ юришни ўргатиш ниҳоятда зарур. Бунда ўқитувчи ва тарбиячиларнинг шахсий ибрати, ўз ўқувчилари хатти-ҳаракатларини назорат қилиши жуда зарур. Ўқувчиларга ёнғиндан сақланиш ва ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган дастлабки билим ва кўникмалар шу асосда сингдириб боришмоқда.

Энг аввало, мактаб ва болалар бо-чаларида бирламчи ўт ўчириш восита-ларининг мавжудлиги, биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун масъ-ул ходим бириктирилганлиги текишу-дан ўтказилади. Синф хоналаридаги электр нуқталари текирилиб, айрим

носозликлар бўлса тузатилади. Газда ишлайдиган иситиш мосламаларидан фойдаланиш учун кечяо-қундуз доимий навбатчилик ташкил этилади.

Бугун жаҳонга юз тутаётган юр-тими бойликлари, табииати ва фуқаро-ларни ўт балосидан асраш нафақат соҳа ходимлари, балки ҳаммамнинг бурчидир. Ёнғинларни ўчиришдан кўра, уларнинг олдини олиш осонроқ, бунга эса эсдан чиқармаслик зарур.

Санжар АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Президенти
Администрацияси биносида
Ёнғин хавфсизлигини таъмин-лашни ташкил этиш 1-бўлимаси
мутахассиси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона фи-лиали жамоаси филиал директори ўринбо-сари Мамазиддиқ Қодировга волидаи муҳ-тарамаси

ОТИКАХОН ОНА ҚОДИРОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик бил-диради.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона фи-лиали жамоаси Фарғона шаҳар боғламаси қурьерлик бўлими бошлиғи Марғубахон Отабоевага отаси

БАХТИЁРЖОН ЁҚУБОВнинг вафоти муносабати чқур таъзия ихрор этади.



Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги юртдошларимизни ҳамда дунёнинг турли давлатларида ўзбек тилида сўзлашувчиларни 21 октябр – Ўзбек тили байрами билан муборакбод этади.

МАСЛАХАТ



Америкалик олимлар:

СЕЛФИ

ўзаро муносабатлар учун

ХАВФЛИ

Флорида университети ходимлари томонидан оддийгина тадқиқот олиб борилди ва кимнинг Instagram саҳифасида қанча дўстлар билан селфига тушган сурати бўлса, улар билан тез орада алоқани узиш эҳтимоли кўпроқлиги исботланди.

Олимлар 18дан 62 ёшгача бўлган Instagram ижтимоий тармоғининг 420 нафар фойдаланувчиси ўртасида кузатув ишларини олиб борди. Унга кўра, саҳифаларида жуда кўп селфи қилган жуфтликлар ўз ҳаётида қийинчиликка дуч келди, деган хулосани билдириб, шериклари билан тез-тез хайрлашиши аниқланган.

Психологлар бу ҳодисани куйидагича изоҳлади. Агар инсон селфини севадиган бўлса, бу унинг

танасидан мамнунлиги ва бошқаларга ўзини кўрсатиши хоҳлашидан далолат беради. Кимнингдир гўзал ёки келишган жуфтини кўрган атрофдаги инсонлар ҳасад қила бошлайди ва бунинг ортидан сабабсиз бир неча жанжаллар келиб чиқади.

Бу оддийгина Instagram саҳифасида жойлаштирилаётган миллионлаб суратлар кузатуvidан қилинган хулоса бўлиб, кунига неча минглаб жуфтликлар фой-

даланувчиларнинг арзимас саҳифасалари учун барчасига чек қўйишга мажбур бўлади.

Бироқ ушбу тадқиқотда биргина огоҳлантириш мавжуд. Бундай вазиятда ким кўпроқ хавф остида бўлади? Instagram фойдаланувчиларими ёки ўз суратларини тўғридан-тўғри ҳамма билан бўлишадиган саҳифа эгаларими? Бир сўз билан айтганда, Instagram тармоғи чиндан ҳам қутулиш йўли бўлиб қолмасин.



ҲИКМАТ

АГАР СИЗ БУЮК ИШЛАР ҚИЛА ОЛМАСАНГИЗ, КИЧИК ИШЛАРНИ БУЮКЛИК ЙЎЛИДА ҚИЛИНГ.

Напалеон ХИЛЛ



САЛОМАТЛИК

УЧ МАҲСУЛОТ СИРИ


Парҳезсиз ҳам ОЗИШ МУМКИН

Хитойнинг Sohu портали фойдаланувчиси парҳез тутмасдан ортиқча вазндан халос бўлишга ёрдам берадиган учта маҳсулотни маълум қилди.

Фойдаланувчининг сўзларига кўра, таомномада албатта бодринг бўлиши шарт. Унинг таркибида кўп миқдорда сув ва озиқ тўқималари мавжуд. Шу боис бодринг егач одам тўйганини ҳис қилади. Бундан ташқари, бодринг ёғ сарфини тезлаштиради, очликни қондиради. Энг муҳими, калорияли маҳсулот ҳисобланмайди.

Ундан кейин брокколи қайд этилган. Унинг озуқавий қиймати ниҳоятда юқори. Сабзавот қон айланиши ва моддалар алмашинувини тезлаштиради. Шунингдек, брокколининг таркибида озиқ толалари кўп бўлиб, улар қоринни тўйдиради ва ёрни эритишга ёрдам беради.

Портал фойдаланувчиси клетчаткага бой сули ёрмасини озиш учун яна бир фойдали маҳсулот сифатида келтирган. Чунки сулини истеъмол қилганда тўқлик ҳиссини чақириб, иштаҳани пасайтиради. Сулига ёғсиз йогуртни қўшиб тановул қилиш мумкин. Бундан ташқари, сули фойдали моддаларга бой. Сули бутқаси ичакларни тозалайди. Натижада одам парҳез тутмаса ҳам, табиий йўл билан оза бошлайди.



Афандининг эшак ўғирлатганини эшитиб, узоқ-яқиндан ошна-оғайнлари келиб кўнғил сўрашди. Уларга нон-чой қилиш учун Афандини эшак нарҳидан ўн ҳисса ортиқроқ пули кетди. Бу ҳам етмаганидек, бир эзма ошнаси келиб Афандига ҳар турли саволлар бера бошлади.

– Афанди, эшагингизни бир киши ўғирладими, кўпчилиқми, эшақни миниб кетдимми, етаклаб кетдимми? Эшак остонадан ўнг оёғи билан чиқдимми, чап оёғи биланми?

Афанди унга жавоб берди:

– Янаги сафар эшак ўғирлаатадиган бўлсам, сизни айтиб келаман, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

– Тога ҳавода миямиз яхши ишлаши ростми, дўстим?

– Биладим. Бу йил институтга кириб кетсам кейин аниқ айтаман.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайбат райси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Сарвар БОБОХЎЖАЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй
(мўжал: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслидин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ

ISSN 2010-6424



Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1057 сонли бууртма.
Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 3931 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари:

Анджонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99